

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

14-сон
(878)
2019 йил
8 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

256. «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги ўРҚ–532-сон Қонуни
257. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 апрелдаги ўРҚ–533-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

258. «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПФ–5700-сон Фармони
259. «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғри-

- сида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ–4258-сон қарори
260. «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ–4265-сон қарори
261. «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ–4268-сон қарори
262. «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги ПҚ–4270-сон қарори

Бешинчи бўлим

263. Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/50-сон «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (1-сон РХМС) «Риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»га ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2244-1*)
264. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/19-сон «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9¹-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-9*)
265. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 25-сон «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70-сон АФМС) «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2844-1*)
266. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 14 мартдаги 01/10-10/53, 12-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси*

публикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-3)

267. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 2 апрелдаги 146-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-1*)
268. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 5-мх, 73-сон «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2691-1*)
269. Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 19 мартдаги 01/10-10/55-сон «Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1394-9*)
270. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 25 мартдаги 2019-25, 290-В-4-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-4*)
271. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 18 мартдаги 39-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-3*)
272. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 11, 8, 5, 6, 23ққ, 37-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил

- этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3147*)
273. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 6 мартдаги 2019-13, 300-В-5-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-5*)
274. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 6 мартдаги 2019-14-сон «Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3148*)
275. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-21-сон «Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 320-5*)
276. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 30-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515-3*)
277. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 71-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-3*)
278. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 15 мартдаги 72-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2908-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 30 мартдан 5 апрелгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

256 Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 7 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат (бундан буён матнда маъмурий назорат деб юритилади) билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Маъмурий назоратнинг асосий вазифаси

Маъмурий назоратнинг асосий вазифаси жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборатдир.

3-модда. Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Маъмурий назоратнинг асосий принциплари

Маъмурий назоратнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
қонунийлик;
демократизм;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 3 апрелда эълон қилинган.

адолатпарварлик;

инсонпарварлик;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш;

белгиланадиган чекловларнинг дифференциаллашганлиги ва индивидуаллаштирилганлиги;

қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини рағбатлантириш.

5-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

маъмурий назорат — назорат остидаги шахсларга суд томонидан белгиланадиган маъмурий чекловларни қўллашдан иборат тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи;

маъмурий чеклов — ҳуқуқлар ва эркинликларни вақтинчалик чеклаш ёки зиммага мажбуриятлар юклатиш бўлиб, ушбу чеклаш ёки мажбурият юклатиш жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсга нисбатан суд томонидан белгиланади;

назорат остидаги шахс — ўзига нисбатан маъмурий назорат амалга ошириладиган шахс;

назорат остидаги шахснинг яшаш жойи (яшаш жойи) — назорат остидаги шахс доимий ёки вақтинча прописка қилинган турар жой.

6-модда. Ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар

Ушбу Қонун 8-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда қуйидаги вояга етган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади:

суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган;

оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган.

Маъмурий назорат судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик ҳолати тугалланган шахсларга нисбатан ўрнатилиши мумкин эмас.

7-модда. Маъмурий назорат чоғида белгиланадиган маъмурий чекловлар

Назорат остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида қуйидаги маъмурий чекловлар белгиланиши мумкин:

яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишни тақиқлаш;

муайян жойларда бўлишни тақиқлаш;
суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатсиз чиқишни тақиқлаш;
рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш;
алкоголли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маъмурий чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўлиқ ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида тарзда белгиланади.

Маъмурий чекловларнинг рўйхати узил-кесил бўлиб, унга қўшимчалар киритилиши ёки у кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас.

Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига биноан назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи ва хулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инобатга олинган ҳолда қисман бекор қилиниши мумкин.

2-боб. Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш, узайтириш, тугатиш ва маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тартиби

8-модда. Маъмурий назоратни ўрнатиш тартиби

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган тақдимнома судга қўйидагилар томонидан юборилади:

суд томонидан ўта хавfli рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан — уларни озод этишдан камида бир ой олдин жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи томонидан;

жазони ижро этиш муассасаларида турган оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёхуд ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазони ўташ даврида белгиланган тартибда сақлаш режимини қасддан бузувчилар деб топилган бўлса, — уларни озод этишдан камида бир ой олдин жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи томонидан;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан — судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида.

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимномада маъмурий назоратни ўрнатиш зарурати, ўрнатиладиган маъмурий чекловлар юзасидан таклифлар ва ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши мум-

кин бўлган шахснинг ўзи танлаган яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг маълум сабабларга кўра аниқ турар жойи бўлмаса, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти унга яшаш жойи билан таъминлаш, доимий ёки вақтинчалик прописка қилиш ҳамда ишга жойлашишга ёрдам беришни сўраб, шунингдек ногирон ёки оғир касалликларга чалинган шахсларни даволаш масалаларини олдиндан ҳал қилиш тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ички ишлар органларига ва соғлиқни сақлаш муассасаларига илтимоснома юборади.

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома олинган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан суд мажлисида ички ишлар органи вакилининг мажбурий иштирокида ва ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома кўриб чиқиладиган шахс иштирокида яқка тартибда кўриб чиқилади.

Агар ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома кўриб чиқилмаган, суд мажлиси ўтказилмаган вақт ва жой ҳақида хабардор қилинган шахс узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, шунингдек суд мажлисини бошқа кунга қолдириш тўғрисида илтимоснома тақдим этилмаган бўлса, тақдимнома суд томонидан ушбу шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида маъмурий назоратни ўрнатиш учун асос, унинг муддати ва назорат остидаги шахсга нисбатан ўрнатилмаган маъмурий чекловлар кўрсатилади. Агар маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасасидан озод этиш чоғида белгиланган бўлса, суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келмаган муддат ҳам кўрсатилади.

Жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг аниқ яшаш жойи маълум бўлмаган тақдирда, суд унинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишидан олдин яшаган охириги яшаш жойи бўйича маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Назорат остидаги шахснинг яшаш жойи бўлмаган тақдирда, суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларига назорат остидаги шахсни турар жой билан таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор чиқаради.

9-модда. Маъмурий назорат муддати

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилади. Маъмурий назорат муддати маъмурий назоратни ўрнатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилган пайтдан эътиборан, маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан шахсни озод этиш чоғида ўрнатилган ҳолларда эса, назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келган пайтдан эътиборан ҳисобланади.

Маъмурий назорат муддатининг ўтиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

назорат остидаги шахсга қидирув эълон қилинганда;

назорат остидаги шахс суд томонидан бедарак йўқолган деб топилганда.

Назорат остидаги шахс маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда, маъмурий назорат муддати ички ишлар органининг тақдимномаси бўйича суд томонидан олти ойгача бўлган муддатга, лекин судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатидан ортик бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

10-модда. Назорат остидаги шахсга суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, унинг муддатини узайтириш ёки маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тўғрисидаги қарорини эълон қилиш ва топшириш

Назорат остидаги шахс суд мажлисида иштирок этган тақдирда суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, унинг муддатини узайтириш ёки маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тўғрисидаги қарори назорат остидаги шахсга суд томонидан эълон қилинади.

Суднинг қарори тегишинча жазони ижро этиш муассасасига ёки назорат остидаги шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар органига кейинчалик назорат остидаги шахсга тилхат олиб топшириш учун юборилади.

Суднинг қарорини назорат остидаги шахсга топшириш чоғида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлик ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик, шу жумладан маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этганлик учун жавобгарлиги, ўзига нисбатан маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилишидан олдин ўрнатилган шахсга эса, танлаган яшаш жойига белгиланган муддатда етиб бормаганлик учун жавобгарлиги тушунтирилади.

11-модда. Жазони ижро этиш муассасаси томонидан суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорини юбориш

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти жазони ўташ даврида ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахсни жазони ижро этиш муассасасидан озод қилишдан олдин назорат остидаги шахснинг танлаган яшаш жойидаги ички ишлар органига суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорини ушбу шахс етиб борадиган вақт тўғрисида ёзма равишда хабар қилган ҳолда юборади.

12-модда. Маъмурий назоратни амалга ошириш тартиби

Маъмурий назорат назорат остидаги шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар органи томонидан амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

маъмурий назорат муддати мобайнида назорат остидаги шахсларнинг ҳисобини юритиш, шу жумладан уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ниятлари тўғрисида ахборот тўплаш;

назорат остидаги шахснинг ижтимоий реабилитацияси ва ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

назорат остидаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

назорат остидаги шахс билан унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга қаратилган якка тартибдаги профилактика ишларини амалга ошириш;

назорат остидаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлиги ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги фактларини аниқлаш ҳамда ҳужжатлаштириш бўйича чоралар кўриш.

Яшаш жойи ўзгарган тақдирда маъмурий назоратни назорат остидаги шахснинг янги яшаш жойидаги ички ишлар органи амалга оширади.

Маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва вақти суд белгилаган маъмурий чекловлардан, назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи, оилавий ахволи, хулқ-атворидан, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органи томонидан мустақил равишда белгиланади.

Маъмурий назорат назорат остидаги шахснинг бир маромдаги ҳаёт фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак ва, қоида тариқасида, унинг ишдан, ўқишдан ёки хизматдан бўш вақтида амалга оширилади.

13-модда. Маъмурий назоратни тугатиш тартиби

Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тугатилади:

маъмурий назорат ўрнатилган муддат тугаганда;

судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлик олиб ташланганда; назорат остидаги шахс озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ва жазони ўташ жойига юборилганда;

назорат остидаги шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда;

назорат остидаги шахс бошқа давлатга доимий яшаш жойига чиқиб кетганда;

назорат остидаги шахс вафот этган ёки суднинг уни вафот этган деб топиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича маъмурий назоратни тугатиш тўғрисида ички ишлар органи томонидан қарор чиқарилади.

Агар назорат остидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этмаётганлиги, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя қилаётганлиги ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажараётганлиги аниқланса, шунингдек яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойидан ижобий тавсифномалар мавжуд бўлса, маъмурий назорат муддатининг камида ярми ўтгач ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд назорат остидаги шахснинг ёки унинг вакилининг аризаси асосида, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашма-

сининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига кўра маъмурий назорат суд томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Маъмурий назоратни муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимнома, ариза ёки илтимоснома ўн кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий назоратни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилади, қарор назорат остидаги шахсга эълон қилинади.

3-боб. Назорат остидаги шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ички ишлар органларининг маъмурий назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатлари

14-модда. Назорат остидаги шахснинг ҳуқуқлари

Назорат остидаги шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

адвокат хизматларидан фойдаланиш;

кўриб чиқиладиган масала юзасидан изоҳлар бериш;

далиллар тақдим этиш;

судда маъмурий назорат ўрнатиш ва чекловлар қўллаш тўғрисидаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳамда улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш;

маъмурий назоратни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида, шунингдек белгиланган маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш ҳақида судга бевосита ёки вакили орқали аризалар билан мурожаат этиш;

суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у бўйича ўз мулоҳазаларини билдириш;

суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, у билан боғлиқ маъмурий чекловлар ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш;

иш бўйича келтирилган протестлар ва келиб тушган шикоятлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш;

яшаш жойидан ташқарида бўлиш ва (ёки) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан қисқа муддатга чиқиш учун рухсатномалар олиш тўғрисидаги аризалар билан ички ишлар органларига мурожаат этиш;

бевосита ёки вакили орқали ички ишлар органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

15-модда. Назорат остидаги шахснинг мажбуриятлари

Назорат остидаги шахс қуйидаги маъмурий назорат қоидаларига риоя этиши шарт:

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганидан кейин ўзи танлаган яшаш жойига суд томонидан белгиланган муддатда етиб бориш;

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганидан кейин, шунингдек яшаш жойи ўзгарганидан сўнг ўзи танлаган яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида ҳисобга қўйилиш учун маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органига келиш;

ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш;

маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органидан яшаш жойидан ташқарида бўлиш ва (ёки) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ташқарига қисқа муддатга чиқиш учун рухсатнома олинган тақдирда, қисқа муддатга чиқиладиган ҳудуднинг ички ишлар органини хабардор қилиш;

қисқа муддатга чиқиш жойидан қайтиб келганида доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органини хабардор қилиш;

маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органини ишга жойлашганлиги, яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи ўзгарганлиги ёхуд меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида уч кун ичида хабардор қилиш;

яшаш жойидаги ички ишлар органига ушбу орган томонидан белгиланган муддатда чақирувга кўра бориш;

ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш.

16-модда. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат остидаги шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятидан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш;

назорат остидаги шахсга уй-жой бериш ва уни ишга жойлаштириш тўғрисида тегишли давлат органларига, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга илтимосномалар юбориш;

профилактик суҳбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақириб, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай суҳбатларни адвокат, жамоатчилик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш;

назорат остидаги шахсдан ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш.

Ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

17-модда. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг мажбуриятлари

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари:

назорат остидаги шахсга унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, шунингдек ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни

бузганлик ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши;

маъмурий назорат муддати мобайнида назорат остидаги шахсларнинг ҳисобини юритиши;

назорат остидаги шахсларни ўзлари танлаган яшаш жойида прописка қилиш ва уларни ишга жойлаштириш юзасидан зарур чоралар кўриши;

маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан тизимли равишда назоратни амалга ошириши;

назорат остидаги шахс билан унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга қаратилган яқка тартибдаги профилактика ишларини олиб бориши;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганидан кейин яшаш жойларига белгиланган муддатда узрли сабабларсиз етиб келмаган, шунингдек яшаш жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёки суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан рухсатномасиз чиқиб кетган назорат остидаги шахсларнинг қидирувини амалга ошириши шарт.

Маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш назорат остидаги шахсларнинг бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги керак.

18-модда. Назорат остидаги шахсларнинг қидируви

Назорат остидаги шахс яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этганда, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш чоғида маъмурий назорат ўрнатилган ҳолларда яшаш жойига белгиланган муддатда узрли сабабларсиз етиб келмаганда ички ишлар органи назорат остидаги шахсларнинг турар жойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш чораларини кўради.

Назорат остидаги шахсларнинг қаердалиги аниқланмаган тақдирда ички ишлар органи назорат остидаги шахсларнинг турар жойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатлар (далолатнома, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси, фуқароларнинг ёзма кўрсатувлари, ички ишлар органи ходимининг билдиргиси) билан бирга судга унга нисбатан қидирув эълон қилиш зарурлиги тўғрисида тақдимнома юборади.

Назорат остидаги шахсга нисбатан қидирув эълон қилиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома суд томонидан беш кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Назорат остидаги шахсга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинади.

Назорат остидаги шахсларнинг қидируви ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

19-модда. Ички ишлар органлари томонидан назорат остидаги шахсларга бериладиган рухсатномалар

Маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органи назорат ос-

тидаги шахсга яшаш жойидан ташқарида бўлиш ва (ёки) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан қисқа муддатга чиқиш учун ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қўйидаги шахсий ҳолатлар муносабати билан рухсатнома беради:

яқин қариндошининг ўлими ёки оғир касаллиги;

ишга жойлашиш ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш зарурати;

таълим муассасаларига қабул қилиш чоғида кириш имтиҳонларини топшириш зарурати.

Ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган рухсатнома қўйидаги ҳолларда бир ойгача бўлган муддатга берилиши мумкин:

назорат остидаги шахснинг тиббий ёрдам олиши ёки соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанишдан ўтиши зарур бўлганда;

табiiй офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар муносабати билан яшаш жойида бундан буён истиқомат қилишнинг имкони бўлмаса;

суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ташқарида таълим олганда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддат ошиб кетган тақдирда, маъмурий назорат назорат остидаги шахснинг турган жойи бўйича амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

20-модда. Суднинг, ички ишлар органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш (протест келтириш)

Ички ишлар органларининг маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш билан боғлиқ қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан прокурор томонидан протест келтирилиши ёки назорат остидаги шахс ёки унинг вакили томонидан суд қарори нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, унинг муддатини узайтириш ёки уни муддатидан илгари тугатиш ёхуд маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят ёки протест юқори турувчи суд томонидан кўриб чиқилади. Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш яқунлари бўйича суд томонидан қўйидаги қарорлардан бири чиқарилади:

суднинг қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;

суднинг қарорини ўзгартириш тўғрисида;

суднинг қарорини бекор қилиш тўғрисида;

суднинг маъмурий назорат ўрнатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ва маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида.

Шикоят берилиши ёки протест келтирилиши маъмурий назоратнинг амалга оширилишини суд маъмурий назоратни тугатиш тўғрисида қарор чиқаргунига қадар тўхтатиб турмайди.

21-модда. Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида**»ги 750–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 33-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 832–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 229-модда) **VIII бўлими**.

23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 апрель,
ЎРҚ–532-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

257 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **36-модда:**

биринчи қисмининг 10, 11 ва 12-бандлари қуйидаги мазмундаги **10, 11, 12** ва **13-бандлар** билан алмаштирилсин:

«10) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса — гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари уларнинг аввалги эгалари тўлаган қиймат ушбу эгаларга компенсация қилинган ҳолда олиб қўйилади;

12) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ фермер ёки деҳқон хўжалигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги тугатилганда;

13) ер участкаси ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганда»;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 5 апрелда эълон қилинган.

ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3, 5 — 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида туманлар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

бешинчи қисмидаги «1, 2, 6 — 10, 12» рақамлари «1, 2, 6 — 10, 12, 13» рақамлари билан алмаштирилсин;

2) **84-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари деҳқон хўжаликларининг ер участкаларидан ҳамда томорқа ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шу жумладан ерларга ишлов берилишининг ҳолати, уруғлар, кўчатлар ва дарахтларнинг экилиши, иссиқхоналар қурилиши, чорва ва парранданинг кўпайтирилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда уйларни айланиб чиқиш орқали мунтазам равишда мониторингни амалга оширади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши аъзолари бўлган фермер, деҳқон хўжалиқларига ҳамда томорқа ер эгаларига тегишли ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар беришга ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **25-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Фермер хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурийдир»;

2) **32-модданинг олтинчи хатбошиси** «шунингдек Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ тугатилиши муносабати билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Деҳқон хўжалиги тўғрисида**»ги 604–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 12, 781-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **22-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Деҳқон хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурийдир»;

2) **25-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари деҳқон хўжаликларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шу жумладан ерларга ишлов берилишининг ҳолати, урувлар, кўчатлар ва дарахтларнинг экилиши, иссиқхоналар қурилиши, чорва ва парранданинг кўпайтирилиши юзасидан уйларни айланиб чиқиш орқали мунтазам равишда мониторинг ўтказишга ҳақли».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда) **32-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган оилали фарзандлари ва уларнинг эр-хотини, агар улар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган

бўлса, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзолари деб тан олинаши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган 353–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 369-модда, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **53-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларга қурилиш учун ер участкалари берилганда (реализация қилинганда) туманларнинг, шаҳарларнинг ҳокимлари қурилиш мўлжалланган жойга туташ бўлган умумий фойдаланишдаги ҳудудни ободонлаштириш, шунингдек объектларнинг қурилиш муддатларига риоя этиш талабларини белгилайди. Объектнинг қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатда тугалланмаган тақдирда, ушбу муддат лойиҳа-смета ҳужжатларида мавжуд бўлмаганда эса, қурилиш бошланган санадан эътиборан икки йил ичида тугалланмаса, объектнинг қурилиши (бундан яқка тартибдаги уйларни қуриш учун берилган ер участкалари мустасно) тугалланмаган деб ҳисобланади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модда:

қуйидаги мазмундаги **йигирма биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«халқаро облигация — сотиладиган эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у эмитент томонидан чиқарилади ва молиявий ташкилотларнинг гуруҳи томонидан жойлаштирилади, эмитентнинг мамлакатидан ташқари бир ёки ундан кўпроқ давлатда таклиф этилади, бирламчи равишда (шу жумладан обуна бўйича) фақат ушбу гуруҳ орқали сотиб олинади»;

йигирма биринчи — қирқ олтинчи хатбошилари тегишинча **йигирма иккинчи — қирқ еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 15-модда:

иккинчи қисмининг учинчи хатбоҳиси «қимматли қоғозларни» деган сўзлардан кейин «бундан халқаро облигациялар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмидаги «қоғозларнинг қиймати» деган сўзлар «қоғозларнинг қиймати, бундан халқаро облигациялар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **39-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг мутлақ вазифалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалага киритилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш бўйича вазифалари халқаро облигацияларга нисбатан татбиқ этилмайди».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси 1-бандининг учинчи хатбошиси, 5-моддаси мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 апрель,
ЎРҚ-533-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

258 Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизни ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслилигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларининг уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини аниқлаб, оғирини енгил қилиш борасида давлат идоралари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (кейинги ўринларда Халқ қабулхоналари деб юритилади) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — секторлар) билан ҳамкорлигини кучайтириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳа ходимлари меҳнатини муносиб баҳолаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари ишини ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, соҳага малакали, бой ҳаётий тажрибага эга ва фидойи кадрларни жалб этиш мақсадида:

1. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилиниб, қуйидагилар мазкур тизимнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 апрелда эълон қилинган.

ҳар чоракда жамоатчилик назоратининг натижалари, аниқланган муаммолар тўғрисида умумлашган маълумотлар, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш бўйича таклифларни халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиш учун киритиш;

аниқланган муаммоларни умумлаштириш ҳамда ҳал этиш мақсадида электрон ахборот алмашиш тизимини жорий этиш;

жойларда ижтимоий-иқтисодий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш ва уларнинг ижросини таъминлашда тизимли ҳамкорликни ўрнатиш.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши), Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:

фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жамоатчилик асосида фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — ижтимоий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи ҳамда фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — тадбиркорлик, томорқа ер эгалари фаолиятига қўмаклашиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчи лавозимларини жорий этиш;

маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нафақадаги ходимларининг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида «Кексалар маслаҳати» гуруҳларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

фуқаролар йиғинлари раислари ҳар чоракда ўз маҳалласи ҳудудидаги долзарб муаммолар тўғрисидаги маълумотларни секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига тақдим этиб боради;

энг долзарб муаммолар секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналари томонидан тегишли дастурларда инобатга олиш учун тавсия этилади;

фуқаролар йиғинлари раислари мунтазам равишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимлари, сектор штаби аъзолари, йўл қурилиш, электр, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари натижаси юзасидан ёзма равишда секторлар раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига маълумот киритади;

Халқ қабулхоналари томонидан фуқаролар йиғинлари раисларининг маълумотларида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар, шунингдек уларнинг юқори турувчи ташкилотларига мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш масаласи кўриб чиқилади.

4. Белгилансинки, 2019 йил 1 июндан бошлаб фуқаролар йиғинлари ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

бўйича туман (шаҳар) кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

5. Республика кенгаши ҳамда Молия вазирлигининг фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ойлик иш ҳақи фондини жорий йилда босқичма-босқич 1,5 бараварга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда ушбу ходимларнинг ойлик иш ҳақи жорий йил 1 майдан 1,25 бараварга ва 1 октябрдан 1,2 бараварга оширилиши назарда тутилсин.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари лавозимларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Республика кенгаши қуйидагиларни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин:

а) Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, фуқаролар йиғини қарорини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ҳамда фуқаролар йиғини раиси фаолиятининг кафолатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

б) Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини:

фуқаролар йиғинлари органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда эскирган механизмларни бартараф этишни;

фуқаролар йиғинлари органларида «замонавий менежмент» тизимини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолият йўналишлари, вазифалари ва жавобгарлик доирасини аниқ белгилашни;

фуқаролар йиғинларининг мутасадди давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомилларини мустаҳкамлашни;

фуқаролар йиғини раисининг ижтимоий ҳимояси, улар фаолиятининг кафолатлари ва фарқлаш белгисини;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ҳамда кадрларни маҳалла бошқаруви жараёнига мақсадли қайта тайёрлаш бўйича амалдаги ўқитиш тизимига оид муаммоларни ўрганиш асосида уни янада такомиллаштириш юзасидан асослан-тирилган таклифларни;

г) Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фуқаролар йиғинлари, уларнинг ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахслар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш мезонлари ҳамда

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан рағбатлантириш тартибини.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда фуқаролар йиғинлари томонидан фойдаланиб келинаётган давлат мулки бўлган биноларни бириктирилган ер майдонлари билан биргаликда хатловдан ўтказиб, уларнинг белгиланган тартибда фуқаролар йиғинларига мулк ҳуқуқи билан берилишини таъминласин;

ҳар чоракда тасдиқланган график асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар марказларида «Маҳалла маркази» мажмуалари ва фуқаролар йиғинлари биноларини намунавий лойиҳалар асосида қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳолати тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

8. Республика кенгаши Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) кенгашлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралashiш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш, шунингдек фуқаролар йиғинлари балансида бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асоссиз равишда олиб қўйиш тақиқланади.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талабларни бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига:

«Маҳалла» телерадиоканалини фуқаролар йиғинлари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича Республика кенгашининг бош ахборот ҳамкори этиб белгилаш;

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, миллий урф-одат ва қадриятларни асраш, оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий-маънавий жараёнларда маҳалланинг иштироки, маҳаллалардаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган ток-шоулар, ижтимоий роликлар, махсус кўрсатувлар, мақолалар, чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил қилиш топширилсин.

11. Республика кенгаши:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан фуқаролар йиғинларининг юқори тезликдаги Интернет тармоғи миллий сегмент маълумотларини узатиш тармоғига уланишини таъминласин;

фуқаролар йиғинларини Интернет тармоғининг миллий сегмент маълумотларини узатиш тармоғидан фойдаланиш учун имтиёзли тарифни тасдиқлаш бўйича таклиф киритсин;

б) 2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда «Электрон ҳукумат» тизими доирасида «Маҳалла» электрон маълумотлар базасини ишга туширсин.

12. Республика кенгаши манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 апрель,
ПФ-5700-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги
ПФ-5700-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари
лавозимларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган меҳнатга
ҳақ тўлаш фонди
ТАРКИБИ**

Т/р	Номланиши	Изоҳ
1.	Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра лавозим маошларига коэффициент қўлланилиши	1 (1,25*) барабар
2.	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари	Посёлкалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинларида: раис — 6 (7**) масъул котиб — 5 (6**)
		Шаҳарлар ҳудудидан ташқарида жойлашган маҳаллалар фуқаролар йиғинларида: раис — 5 (6**) масъул котиб — 4 (5**)
3.	Лавозим маошларига ҳар ойлик устама ҳақ (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти)	20 фоиз
4.	Лавозим маошларига алоҳида меҳнат шароитлари учун ҳар ойлик устама ҳақ	12 (25**) фоиз
5.	Моддий ёрдам кўрсатиш	Бир ойлик иш ҳақи фонди миқдорида
6.	Ходимларни рағбатлантириш мақсадида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди	Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида ташкил қилинади

* 2019 йил 1 майдан киритилади.

** 2019 йил 1 октябрдан киритилади.

Изоҳ: фуқаролар йиғинлари ходимлари фаолиятини рейтинг баҳолаш мезонлари асосида рағбатлантириш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги 147-сон қарорининг 4-банди учинчи хатбошиси 2019 йил 1 майдан бошлаб фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари лавозимларига татбиқ этилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**259 Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида***

2019 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги ПҚ–3877-сон «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ илк маротаба жаҳон молия бозорларида Ўзбекистон Республикасининг умумий ҳажми 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 5 ва 10 йил муддатли суверен халқаро облигациялари (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигациялари деб юритилади) жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан мамлакат ва халқимиз фаровонлигини янада оширишда стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағларни қуйидаги йўналиш ва мақсадларга йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

889,2 миллион АҚШ долларини аукцион савдолари ўтказиш орқали тижорат банклари депозитларига 1-иловадаги** шартларга мувофиқ жойлаштириш;

20 миллион АҚШ долларини «Агробанк» АТБга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2-иловадаги** шартларга мувофиқ субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш;

89,9 миллион АҚШ долларини «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 3-иловадаги** шартларга мувофиқ хорижий валютада бюджет ссудаси сифатида ажратиш.

2. Тижорат банкларининг субординар қарз сифатида тан олинадиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олдидаги қарз мажбуриятлари 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги ПҚ–3877-сон «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 апрелда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига асосан белгиланган мақсадларга йўналтирилади».

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 апрель,
ПҚ-4258-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

260 Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнги йилларда кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалда рўёбга чиқариш, энг аввало, давлат активларини хусусий мулкка сотиш ҳисобига корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 апрелда эълон қилинган.

Кимё саноатини янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва тармоқни диверсификация қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида:

1. «Ўзкимёсаноат» АЖнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда оптималлаштирилган ва янги истиқболли лойиҳалар билан тўлдирилган, ҳисобланган қиймати 12,1 млрд АҚШ долларига тенг, шу жумладан 1,7 млрд АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 31 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни назарда тутувчи ҳамда қуйидагиларга қаратилган 2019 — 2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин:

азотли, фосфорли, калийли ва мураккаб минерал ўғитларни, шу жумладан ушбу маҳсулотларни «Навоийазот» АЖ, «Самарқандкимё» АЖ, «Фарғонаазот» АЖ, «Қўқон суперфосфат заводи» АЖ, «Аммофос-Максам» АЖ, «Дехқонобод калий заводи» МЧЖ негизида, шунингдек, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри ва Навоий вилоятининг Томди туманида ишлаб чиқариш бўйича амалдаги қувватларни модернизация қилиш, кенгайтириш ҳамда энергия жихатидан самарадор янги қувватларни барпо этиш;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ билан биргаликда ва етакчи хорижий компаниялар иштирокида ҳамда илғор технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни қўллаган ҳолда полимер маҳсулотлари, шу жумладан полиэтилен-терефталат (ПЭТ), поливинилхлорид (ПВХ), синтетик каучук, полистирол, полиуретан, полиол, акрилонитрил-бутадиен-стирол (АБС) пластик, полиакрилонитрил (ПАН) маҳсулотларини чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини, уларнинг негизида иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини, шу жумладан меламин, метиламин, формальдегидли, карбамид-формальдегидли ва меламин-формальдегидли сақичлар, этилацетат, озука тузи, натрий бикарбонати, хлорсирка кислотаси, натрий нитрати, бутилацетат, тринатрий фосфат, нитроцеллюлоза, металлургия, нефтгаз ва тўқимачилик саноатлари учун реагентлар, катализаторлар ва кимёвий қўшилмалар, шунингдек, полимер фитинглар, биаксил йўналтирилган полипропилен пленкаси (БОПП), ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва уларни ишлаб чиқариш учун амалдаги моддаларни чиқариш бўйича ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Кимё тармоғида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

тармоқнинг айрим корхоналари активларини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш орқали амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва кенгайтиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва жамият бошқаруви органларининг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш; кимё тармоғи корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳолатини янада яхшилаш.

3. «Ўзкимёсаноат» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат ва «Ўзкимёсаноат» АЖ улушларини қўйидаги тартибда сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шarti билан потенциал инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан:

«Самарқандкимё» АЖ устав капиталидаги 60,35 фоиз давлат акциялари ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 39,65 фоиз акцияларини экологик жиҳатдан зарарсиз замонавий кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш шarti билан «ноль» харид қийматида;

«Кўнғирот сода заводи» МЧЖ устав фондидаги «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 51 фоиз улушини корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини йилига 200 минг тоннадан 450 минг тоннагача ошириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун инвестицияларни жалб қилиш шarti билан бозор қийматида;

«Кўкон суперфосфат заводи» АЖ устав капиталидаги 70,54 фоиз давлат акциялари ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 25 фоиз акциялари — «Индорама» (Сингапур) компаниясига суперфосфат ишлаб чиқариш қувватини 100 фоиз соф ҳолда 63 минг тоннага етказиш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шarti билан 4,3 млн АҚШ доллари миқдорида сотиб олиш қийматида;

б) «Фарғонаазот» АЖ устав капиталидаги 48,05 фоиз давлат акциялари ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2,95 фоиз акцияларини инвестор томонидан аммиак ишлаб чиқариш қувватини йилига 660 минг тоннага, карбамидни — 600 минг тоннага, аммиакли селитрани — 700 минг тоннага ва азот кислотасини — 530 минг тоннага етказиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шarti билан — танлов савдоларида бозор қийматида;

в) «Электркимё завод» ҚҚ АЖ устав капиталидаги «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 26,14 фоиз акцияларини — очик савдоларда бозор қийматида;

г) «Жиззах пластмасса» АЖ устав капиталидаги 25 фоизгача акциялар — дастлабки босқичда бирламчи оммавий таклифни (IPO) ўтказиш асосида;

д) қўйидагилар орқали:

«Дехқонобод калий заводи» МЧЖни акциядорлик жамиятига ўзгартириш ҳамда жамиятнинг устав капиталидаги 51 фоиз ва ундан ортиқ акцияларни потенциал инвесторлар мавжуд бўлганда ва улар томонидан грануланган хлорли калий, калий сульфати ва калий тузларининг бошқа турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юк ташувчи осма йўл ва ташқи электр

таъминоти линиялари қурилишини яқунлаш бўйича инвестиция, шунингдек, ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан уларни тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш имкониятини назарда тутган ҳолда танлов савдоларда бозор қийматида;

«Биринчи резинотехника заводи» МЧЖни акциядорлик жамиятига ўзгартириш ва жамиятнинг устав капиталининг 51 фоизига бўлган миқдорда қўшимча чиқарилган акцияларини потенциал инвесторлар мавжуд бўлганда ва тушган маблағларни жамият инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда жалб этилган кредитларни сўндиришга йўналтирган ҳолда уларни тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали реализация қилиш имкониятини назарда тутган ҳолда очик савдоларда бозор қийматида сотиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Кўкон суперфосфат заводи» АЖ ва «Фарғонаазот» АЖ устав капиталларидаги давлат улушини сотишдан тушган маблағлар, истисно тариқасида, «Ўзкимёсаноат» АЖ устав капиталидаги давлат ҳиссаси сифатида, мазкур маблағлардан ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мақсадли фойдаланиш учун Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлиқ йўналтирилади;

«Ўзкимёсаноат» АЖ унинг таркибидаги қайта ташкил этилган ташкилотларга тегишли юридик шахсларнинг 50 фоиз ва ундан ортиқ акцияларига эгалик қилишга киришиши янгидан харид қилинган акциялар пакети деб ҳисобланмайди;

ушбу қарорга мувофиқ тармоқ корхоналарини қайта ташкил этишда ташкилотдан ташкилотга ўтказиладиган мулк, мулк ҳуқуқлари, шунингдек, акциялар, улушлар ва активлар ҳамда давлат активларини сотишдан тушган, шу жумладан «Ўзкимёсаноат» АЖ устав капиталига ўтказиладиган даромадлар қиймати юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, тўлов манбаидан тўланадиган дивидендлар кўринишидаги даромадларга солиқ ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди;

Дехқонобод калий заводи акцияларини потенциал инвесторларга тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш ёки қўшимча акцияларни чиқариш орқали, шу жумладан уларга инвестиция мажбуриятларини юклаган ҳолда сотишдан тушган маблағлар жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси олдидаги кредитларини сўндиришга йўналтирилади;

хўжалик бошқаруви органларининг устав капиталига ўтказилган хўжалик жамиятлари устав капиталларидаги улушларни тасарруф этиш уларнинг бошқарув органлари қарорлари билан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда минерал ўғитлар нархларининг кескин ўзгариши хавфини ҳамда пахта хом ашёси ва ғалла қийматида таъсирининг олдини олишни ҳисобга олган ҳолда минерал ўғитларга бўлган нархларни шакллантиришнинг бозор механизмларини жорий этиш, шунингдек, минерал ўғитларни сотиб олиш учун биржа савдоларида барча иштирокчилар (харидорлар) учун тенг шароитларни таъминлаш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг ушбу қарорга 3-иловада* кўрсатилган умумий қиймати 85,1 млн АҚШ доллари миқдоридоғи, шу жумладан молиялаштириш манбаи сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига «Ўзкимёсаноат» АЖ инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини оптималлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ТИФ ТН бўйича 4011 ва 4012 коди билан импорт қилинадиган автомобиль ва қишлоқ хўжалиги шиналарига божхона божларининг аралаш ставкаси жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги «2017 — 2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-3236-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 апрель,
ПҚ-4265-сон

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**261 Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги йилларда республикамизнинг аграр секторини халқаро стандартларга мувофиқ ҳамда мамлакат ҳудудларининг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига жавоб берадиган замонавий маҳаллий ва хорижий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича фаол чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, биргина 2018 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига, биринчи навбатда, фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар ва кластерларга 33,7 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди. Бу эса 2017 йилги кўрсаткичлар билан таққослаганда 1,5 бараварга кўп.

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаларининг 25 фоизидан ортиғи 15 йилдан ортиқ муддат мобайнида эксплуатация қилинмоқда, шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сифатли ва арзон техникалар билан таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда ва давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу жараёнга тижорат банкларининг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

маҳаллий ғалла ўриш ва пахта териш техникаларини етказиб беришни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган фоиз ставкаси бўйича ва қайтарилиш муддати харажатлар қопланиши муддатига қараб 7 йилдан 10 йилгача бўлган қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади ҳамда молиялаштириш ҳажми Жамғарма даромадлари ва харажатларини шакллантиришда белгиланади;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг ғалла ўриш ва пахта териш техникасидан ташқари, республикада ишлаб чиқарилган барча турдаги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 апрелда эълон қилинган.

тракторлар, ғалла ва пахта сеялкалари, шунингдек, уч ёки ундан ортиқ омов корпусларини харид қилиш учун кредит ва лизинг шартномалари бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизлик пункти миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, фоиз харажатларини қоплашнинг ушбу миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг ўзгаришига қараб Молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) 2019 йилда, эксперимент тариқасида, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта териш ишларига жалб қилинадиган пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун харажатларнинг 30 фоизини қоплаб беришни таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан бирга-ликда пахта териш машиналари хизматига ҳақ тўлаш харажатларини қоплаб бериш бўйича эксперимент натижалари асосида 2019 йил 1 декабрга қадар ушбу амалиётни мамлакатнинг бошқа ҳудудларига татбиқ этиш юзасидан асослантирилган таклифларни киритсин;

в) 2019 йил 20 апрелга қадар:

мазкур қарорда назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Ўзагролизинг» АЖ, «Ўзмашлизинг» МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги 2018 йилнинг IV чорагида лизинг асосида етказиб берилган техникалар учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга 155,6 млрд сўм миқдоридаги маблағлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

3. АТ «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» АТБнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3694-сон қарорига мувофиқ уларнинг устав капиталига йўналтирилган маблағларнинг 30 фоизини 2019 йилда маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун мақсадли кредитлар ажратишга йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотишдан тушган маблағлар 2020 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.

Белгилансинки, 2020 йил 1 январга қадар лизинг компаниялари ва тижорат банклари учун қўшилган қиймат солиғи лизинг хизматлари қисмида қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, шу жумладан импорт қилинган лизинг объектини сотиб олиш нархи ва сотиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги техникалари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига йиллик 5 фоиз ставкада, шу жумладан тижорат банкининг 1 фоиз маржасини инобатга олган ҳолда мақсадли кредитлар ажратиш учун 50,0 млн АҚШ долларини тижорат банкларига уларнинг буюртманомалари асосида икки йил муддатга депозит сифатида жойлаштиради.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2019 — 2021 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб беришни молиялаштириш мақсадида ҳар йили 100 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит линиялари жалб қилинишини таъминласин;

мамлакатда қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг жадал амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва бунда «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖга амалий ёрдам кўрсатсин.

7. «Ўзагротехсаноатхолдинг» ва «Ўзагросервис» акциядорлик жамиятлари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи корхоналар бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг танлов асосида энг яхши таклифларни ажратиб олиш йўли билан:

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг хўжалик жамиятлари устав капитали (фонди)даги улушларини корхоналарнинг асосий фаолияти турини сақлаб қолиш шарти билан 1-иловага* мувофиқ;

худудий «Агросервис МТП» МЧЖнинг машина-трактор парклари устав капитали (фонди)даги улушларини тадбиркорлик субъектларига баҳолаш қийматида машина-трактор паркларининг асосий фаолияти тури (механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш)ни сақлаб қолиш ва 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2-иловага* мувофиқ сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг хўжалик жамиятлари устав капитали (фонди)даги улушини 1-иловага мувофиқ сотишдан тушган маблағлар «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилади;

машина-трактор парклари сотилмаган тақдирда, бошланғич нархни улар сотувга қўйилган санадан икки ой ўтгач ҳар 15 кунда босқичма-босқич 10 фоизга камайтириш механизмини қўллаган ҳолда, аммо номинал қийматдан кам бўлмаган нархда оммавий сотувга қўйилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги улушларни баҳолаш ҳамда уларни сотиш бўйича танловларни эълон қилиш ва ўтказишда шаффофликни таъминлашда «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва «Ўзагросервис» АЖга ҳар томонлама кўмаклашсин.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникалари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда 2021 йилнинг охирига барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш даражасини камида 40 фоизга етказишни назарда тутувчи «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзагролизинг» АЖ тижорат банклари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш бўйича буюртмалар портфелини шакллантирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу қарор қоидаларининг кенг ёритилишини таъминласин.

14. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 апрель,
ПҚ-4268-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**262 Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхати-
дан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда республикамызда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш уларнинг тезкорлиги ва фойдаланиш имкониятларини оширишни, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигига эришишни ва хизматлардан фойдаланувчиларга ахборот хизмати кўрсатишни яхшилашни тақозо этмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, тегишли тизимларни давлат органларининг электрон маълумотлар базаларига интеграция қилиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини соддалаштиришнинг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, кўчмас мулкни сотишда ортиқча тартиб-таомилларни қисқартириш, геодезия ва ер кадастри соҳасига тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, рақамли иктисодиётни ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

давлат нотариал идоралари томонидан — кўчмас мулкка оид битимларни тасдиқлаш ишларини амалга оширишда, кўчмас мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, чекланган (юкланган) ва бекор бўлган ҳоллар бундан мустасно;

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан — «E-IJRO AUKSION» Ягона электрон савдо майдончасида кўчмас мулкни (давлат активлари қисмида) аукцион орқали сотишда;

риэлторлик ташкилотлари томонидан — нотулар кўчмас мулк бўйича риэлторлик хизматларини кўрсатишда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ–2639-сонли қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар куриш

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 апрелда эълон қилинган.

дастурида иштирок этаётган тижорат банклари (кейинги ўринларда — тижорат банклари) томонидан — қурилиши тугалланган уй-жойни расмийлаштиришда «ягона дарча» тамойили асосида Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан (кейинги ўринларда — Реестр) кўчирма бериш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб нотариал ҳаракатлар асосида вужудга келадиган Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулкка, 2020 йил 1 январдан бошлаб эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат давлат нотариал идорасининг талабномасига асосан электрон шаклдаги кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқ эгасини ўзгартириш шаклида киритилади ва бир вақтнинг ўзиде Реестрдан кўчирма берилади;

2020 йилнинг 1 январидан бошлаб уй-жойга мулк ҳуқуқини ҳамда қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш далолатномаси ва бошқа зарур ҳужжатлар тижорат банклари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар) филиалларига (кейинги ўринларда — давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юборилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулк объектини «E-IJRO AUKSION» Ягона электрон савдо майдончасида аукцион орқали сотиш (давлат активлари қисмида) ва риэлторлик хизматлари кўрсатиш натижасида вужудга келадиган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар тегишлича Давлат активларини бошқариш агентлиги ва риэлторлик ташкилотлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юборилади;

Реестрдан кўчирма Давлат активларини бошқариш агентлиги, риэлторлик ташкилотлари ва тижорат банклари (кейинги ўринларда — ташкилотлар) томонидан мулкдорнинг хоҳишига кўра электрон ва (ёки) қоғоз шаклида кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар ва қонун асосидаги ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ушбу бандда назарда тутилган муддатларда берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) ташкилотларнинг маълумотлари асосида мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза талаб этилмайди;

б) кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни, шунингдек қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатга олиш йиғимлари ундирилади ва улар қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи Адлия вазирлиги ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги (кўчмас мулкни «E-IJRO AUKSION» Ягона электрон савдо майдончасида аукцион орқали сотишда ва риэлторлик хизматлари кўрсатишда) бюджетдан ташқари жамғармаларининг шахсий ҳисобварақларига ёхуд тижорат банкларнинг банк ҳисоб рақамига;

колган маблағлар давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

в) 2020 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулкнинг янги эгалари тўғрисидаги маълумотлар уларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин тегишлича давлат нотариал идоралари ва давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан коммунал хизматларнинг ахборот тизимларига автоматик тарзда юборилади. Бунда коммунал хизматлар кўчмас мулкнинг янги эгаларидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас.

4. Қўйидагилар:

кўчмас мулкни бегоналаштиришда давлат нотариал идорасига Реестрга уланиш имкониятини берган ҳолда, унга бино ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишни;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўчмас мулк эгаларидан давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга рўйхатдан ўтказувчи органнинг ёзуви (штампи) қўйилишини талаб қилишни;

2020 йил 1 январдан бошлаб қурилган уй-жойга мулк ҳуқуқини ҳамда қонун асосидаги ипотекани Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, банкка рўйхатдан ўтказилган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат нусхасини ва қонун асосидаги ипотека давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги штамп қўйилган кредит шартномасини тақдим этиш бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини назарда тутувчи тартиб бекор қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси (кейинги ўринларда — кадастр муҳандиси) институтини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Кадастр муҳандиси шартнома асосида кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиши (бирламчи кадастр ҳисоби бундан мустасно), уларнинг қаватма-қават режаларини тузади, техник режаларини расмийлаштиради, шунингдек, уларни техник ҳисобга қўяди. Кадастр муҳандисларига нисбатан қўйидаги талаблар назарда тутилади:

геодезия ва ер кадастри бўйича олий маълумотга эга ёки кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олган, шунингдек, тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг малака шаҳодатномасини олган шахс кадастр муҳандиси бўлиши мумкин;

малака шаҳодатномасини олиш учун шахс геодезия ва ер кадастри бўйича камида бир йил иш стажига эга бўлиши ва малака имтиҳонини топиши шарт;

кадастр муҳандиси фаолияти билан шуғулланувчи шахс риэлторлик ташкилотлари билан меҳнат шартномасини тузади.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда 2019 йил 1 майга қадар:

а) қуйидагиларга имконият берувчи ягона тизим (интеграция тармоғи)-ни яратиш:

коммунал хизматлар кўрсатувчи (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва сув чиқариб ташловчи, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти), электр таъминоти, маиший чиқиндиларни олиб кетиш, ўрнатиб қўйилган телефон алоқаси ва бошқалар) корхоналарнинг ахборот тизимларини интеграциялаш;

техник шартларни олиш, объектларни муҳандис-техник таъминот тармоқларига улаш бўйича шартномаларни тузиш учун ягона ариза бериш;

дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги ҳисобни актуал ҳолатда юритиш;

ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини онлайн тартибда қайта ишлаш;

кўчмас мулкнинг кадастр рақами асосида истеъмолчининг унификация қилинган шахсий ҳисобварақасини жорий этиш;

истеъмолчиларга коммунал хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ягона шахсий кабинетдан олиш имкониятини тақдим қилиш;

истеъмолчиларга кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳисобланган тўловларнинг ягона ҳисоб-китобини юбориш;

давлат органларига ягона тизимда дебитор ва кредитор қарздорлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиш;

б) ягона тизим (интеграция тармоғи)ни яратиш ва ишлатиш, шунингдек, сервер ускуналари ва тегишли ҳисоблаш асбобларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳамда халқаро грантларни жалб этган ҳолда харид қилиш ва ўрнатишнинг молиялаштириш манбаларини белгилаш;

в) коммунал хизматлардан фойдаланишнинг ягона ҳисобини юритишни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли органни унинг техник ва профессионал тайёргарлигини инобатга олган ҳолда белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар Тошкент шаҳри бўйича, 2019 йил 1 декабрга қадар муддатда эса Қорақалпоғистон Рес-

публикаси ва вилоятлар бўйича мулкдорлар — жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация маълумотлари (ЖШ ШИМ)ни ва мулкдорлар — юридик шахсларнинг идентификация рақамлари (ИНН)ни Реестрга киритилишини;

Адлия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда мавжуд ахборот тизимларига зарур ўзгартиришлар киритилишини ҳамда Реестрнинг мавжуд маълумотлар базалари билан интеграциялашувини;

Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан малака шаходатномасини бериш, кадастр муносабатлари соҳасидаги касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича ўқитиш механизмини, шунингдек, кадастр муҳандислари фаолиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш мезонларини назарда тутувчи кадастр муҳандиси фаолияти билан шуғулланиш тартиби ишлаб чиқилишини;

кадастр муҳандислари фаолияти мониторинги натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кадастр муҳандиси институтини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги 2019 йил 1 декабрга қадар риэлторлик хизматлари кўрсатиш имкониятини таъминловчи ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиб, уни Реестр билан уйғунлаштирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу қарорнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкилотлар томонидан маълумотларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларга юбориш тартиби ишлаб чиқилишини, шунингдек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 апрель,
ПҚ-4270-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ****263 Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (1-сон РХМС) «Риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»га ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2244-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 13 июндаги 01/19-18/03-сон қарори (рўйхат рақами 2244, 2011 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 28-сон, 297-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (1-сон РХМС) «Риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»нинг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ички қоидалар риэлторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Н. ЖҲРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль
01/10-10/50-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

264 Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9¹-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-9

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 1291, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9¹-банди учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк ёки молия соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/19-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**265** Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70-сон АФМС) «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2844-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 9 ноябрдаги 85-сон буйруғи (рўйхат рақами 2844, 2016 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 554-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70-сон АФМС) «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси»га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль,
25-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги
25-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг
миллий стандарти (70-сон АФМС) «Молиявий ҳисобот
тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик
хулосаси»га киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-банднинг иккинчи хатбошисидан «, берилган лицензияга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тури» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 17-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«текширилган молиявий ҳисобот асосида ҳисобланган молиявий коэф-
фициентлар ҳамда банкротлик аломатлари бўлганда мажбуриятларни қай-
тара олиш коэффициент кўрсаткичлари таҳлили;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**266 «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолият-
дан олинган даромадларни легаллаштиришга ва тер-
роризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички
назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгарти-
риш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромад-
ларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин
қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва
«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Рес-
публикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Респуб-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

ликаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04 ва 27-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 357-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

Н. ЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
01/10-10/53-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги ва
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-
си ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга
қарши курашиш департаментининг 2019 йил
14 мартдаги 01/10-10/53, 12-сон қарорига
ИЛОВА

**«Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартириш ва кўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номи ва муқаддимадаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

ўнинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш — ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қуролни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни яратиш, ишлаб чиқариш, олиш, тўплаш, сақлаш, ўтказиш, фойдаланиш мақсадида ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш.»;

в) 2-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 3-бандда:

еттинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши «фаолиятини молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

д) 4-банддаги, 29-банднинг биринчи хатбошисидаги, 31 ва 32-бандлардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Риэлторлик ташкилотлари ҳар йили январь ойининг 10-санасидан кечиктирмасдан тайинланган масъул шахс ҳақидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) тақдим этишлари шарт.

Масъул шахс ўзгарган тақдирда, бу ҳақда риэлторлик ташкилоти беш иш куни мобайнида Агентликни хабардор қилиши лозим.»;

ж) 7-банддаги «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

и) 10-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 12 ва 13-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ходимларнинг сўнги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида риэлторлик ташкилотлари Агентлик билан келишилган ҳолда масъул ходимларни доимий равишда қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

13. Риэлторлик ташкилотлари ҳар йили 1 февралгача жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Агентликка тақдим этадилар.»;

л) 14-банднинг бешинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 20¹-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Давлат рақобат қўмитасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

н) 29¹ ва 30-бандлардаги «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**267 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-1

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги ўРҚ–531-сон «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 1-2-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 апрель,
146-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 2 апрелдаги
146-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 9-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган ҳужжатларда муҳр бўлиши талаб қилинмайди.»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 18-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нотариуслар Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахсларга уларнинг ёзма аризасига мувофиқ ҳамда суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органларининг қарорига (ажримига) ёхуд процессуал қонунларда белгиланган бошқа тартибда расмийлаштирилган талабномаларига асосан реестрдан кўчирма беради. Бунда 2019 йил 1 январга қадар амалда бўлган реестрларнинг (реестр китобларининг) кўчирма нусхалари берилиб, асл нусхаларини бериш ман этилади.».

3. 1-боб қуйидаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

«23¹. Мазкур Йўриқнома 6-бандининг иккинчи хатбошиси, 8-бандининг иккинчи ва ўн биринчи хатбошилари ҳамда 88-бандида назарда тутилган ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини мажбурий аудио ва видео қайд этилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини аудио ва видео қайд этишда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи шахслар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт. Бунда нотариус томонидан қандай турдаги нотариал ҳаракат амалга оширилаётганлиги, нотариал ҳаракат мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан овоз чиқариб тарафларга тушунтириб берилганлиги ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва уларнинг асл мақсадига мувофиқлигини тасдиқлаган ҳолда имзолаш

ҳамда бармоқ изларини Тизимда сканер қилиш жараёни тўлиқ аудио ва видео қайд этилиши лозим.

Аудио ва видеоёзув файли нотариал ҳаракатга Тизим томонидан берилган реестр рақами билан номланади ва электрон ахборот ташувчи жисмларда сақланади.

Календарь йил якунида аудио ва видеоёзувлар файллари нусхалари DVD дискларга ёзилади ҳамда давлат нотариал идорасининг темир жавони ёки сейфларида алоҳида пакетларда сақланади.

Электрон ахборот ташувчи жисмларда ёки DVD дискларда сақланаётган аудио ва видеоёзувлар файллари нотариус ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда текшириб кўрилган ҳолда далолатнома асосида қабул қилиниб, янги тайинланган ёки вазифаси юклатилган нотариусга топширилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини қайд этилган аудио ва видеоёзувлар файллари белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар йиғма жилдлари билан идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.»

4. 25-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. 27-банднинг биринчи хатбошисидаги «битимлар» деган сўз «битимларни (мол-мулкни ижарага бериш ва ундан текин фойдаланиш шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги битимлар бундан мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 39-банднинг ўн иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

7. 78-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидан «ва муҳр билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

268 **Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2691-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ–5313-сон «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 789-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги 15-мх ва 30-сон қарори (рўйхат рақами 2691, 2015 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 26-сон, 346-модда) билан тасдиқланган Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 март,
5-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 март,
73-сон

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги
5-мх, 73-сон қарорига
ИЛОВА

**Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган
ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка
тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 5 ва 11-бандлардаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 12-банддаги «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар «Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 13-банднинг иккинчи хатбошисидаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 14-банддаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 17-банддаги «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар «Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 18-банднинг иккинчи хатбошиси «5 — 9-синфлар учун 10 соатни» деган сўзлардан кейин «, 10-11-синфлар учун 12 соатни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 28-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 18 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

269 Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1394-9

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 21 июлдаги 01/06-15-сон қарори (рўйхат рақами 1394, 2004 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 30-сон, 351-модда) билан тасдиқланган Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Н. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 март,
01/10-10/55-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2019 йил 19 мартдаги
01/10-10/55-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар
фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби
тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-банддаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «Марказга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «муҳр қўйилиши керак» деган сўзлар «муҳр қўйилиши керак (муҳр изига бўлган талаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 6 — 8-бандлардаги «Марказга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 1-А-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. 4-илованинг 11-бандидаги «Давлат активларини бошқариш маркази» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-А-ИЛОВА

**Устав фондларидаги давлат улушлари давлат активларининг ишончли бошқарувчиларига ишончли бошқарувга берилган хўжалик жамиятлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Хўжалик жамиятининг номи	Жамиятнинг идентификацион рақамлари		Устав фонди ҳақида маълумот			Жамият жойлашган ҳудуд	Ишончли бошқарувчиси тўғрисида маълумотнома				
		СТИР	депо ҳисобрақами	устав фондининг миқдори (минг сўм)	ишончли бошқарувга берилган давлат улуши миқдори			ишончли бошқарувчининг номи	ишончли бошқарувга берилишига асос Вазирлар Маҳкамаси, Комиссия йиғилиши баёни ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Ҳайъати қарорлари	Вазирлар Маҳкамаси, Комиссия йиғилиши баёни ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Ҳайъати қарори санаси ва рақами	шартнома санаси ва рақами	
					минг сўм	%						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
												».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

270 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валюта-сидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 4 апрелдаги 2007-04, 290-В-сон қарори (рўйхат рақами 1692, 2007 йил 22 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 25-26-сон, 274-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
2019-25-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
290-В-4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

271 Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 29 февралдаги 23-сон буйруғи (рўйхат рақами 2343, 2012 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 12-сон, 135-модда) билан тасдиқланган Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасидан «М.Ў. (мухр мавжуд бўлган тақдирда) деган сўзлар чиқариб ташлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 март,
39-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

272 **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3147

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
11-сон

Миллий гвардия қўмондони

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
8-сон

Фавқулодда вазиятлар вазири в. б.

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
5-сон

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
6-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
23ққ-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
37-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат
хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги
ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2019 йил 14 мартдаги 11, 8, 5, 6, 23кк,
37-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва
уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни (кейинги ўринларда тиббий кўриқдан ўтказиш деб юритилади) ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (кейинги ўринларда Мудофаа вазирлиги деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кейинги ўринларда Миллий гвардия деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида (кейинги ўринларда ФВВ деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида (кейинги ўринларда ДХХ ЧҚ деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИВ деб юритилади) ҳарбий тузилмаларида ташкил этилади ва амалга оширилади.

2. Тиббий кўриқдан ўтказиш учун мудофаа ишлари бошқармалари (кейинги ўринларда МИБ деб юритилади) ва мудофаа ишлари бўлимларида (кейинги ўринларда МИББ деб юритилади) — тиббий комиссиялар, Мудофаа вазирлиги, ДХХ ЧҚ, ИИВда ҳарбий-тиббий комиссиялар (кейинги ўринларда ХТК деб юритилади) ташкил этилади.

3. ДХХ ЧҚда ҳарбий хизматни ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчиларини тиббий кўриқдан ўтказишда ХТК мазкур Низомга амал қиладилар.

4. ИИВ ҳарбий тузилмалардаги ҳарбий хизматчиларини тиббий кўриқдан ўтказишда ХТК мазкур Низомга амал қиладилар.

**2-боб. ХТК ва тиббий комиссияларнинг тузилиш тартиби,
уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

5. Тиббий комиссиялар ва ХТК ўз фаолиятини ташкил этишда Ўзбекис-

тон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруқлари, директивалари ва мазкур Низом қўлла-нилади.

6. Тиббий комиссиялар ва ХТК қуйидагича бўлинади:

ташкилий тузилиши бўйича — штатли ва штатдан ташқари;

хуқуқларининг давомийлиги бўйича — доимий ва вақтинча фаолият юритувчи;

ташқил топган жойи бўйича — гарнизон, госпиталь, ҳарбий бошқарув тизимининг маҳаллий органлари;

мақсадига кўра — тиббий-учувчилик, санаторий-саралаш ва муқобил.

7. Мудофаа вазирлигида штатли ХТК — Марказий ҳарбий тиббий комиссия (кейинги ўринларда МХТК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида (кейинги ўринларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб юритилади) штатли тиббий комиссия — Республика муқобил тиббий комиссияси (кейинги ўринларда РМТК деб юритилади) ҳисобланади.

8. РМТК, Қорақалпоғистон Республикаси (вилоят) муқобил тиббий комиссиясининг тузилиш тартиби, комиссия аъзолари таркиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шакллантирилади.

9. МХТК махсус вазифаларни бажарувчи ҳарбий-тиббий муассаса ҳисобланади ҳамда бевосита Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармасига бўйсунди. МХТКга ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича Мудофаа вазирлигининг барча тиббий комиссиялари ва ХТК бўйсунди.

МХТК ўз фаолиятини ташқил этишда ҳарбий-тиббий экспертизанинг бошқарув ҳужжатларидан ташқари, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм, муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг фаолиятини ташқил этиш бўйича бошқарув ҳужжат талабларини қўллаиди.

МХТК юклатилган вазифаларни бажариш вақтида ҳарбий-тиббий экспертиза манфаатлари мақсадида ўтказиладиган чораларни ташқил этиш ва амалга ошириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўсмир ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташқил этиш маркази, ДХХ, ИИВ марказий ҳарбий-тиббий комиссиялари, РМТК, шунингдек бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбирларни ўтказида.

10. МХТК ташқиллий тузилиши Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан тасдиқланадиган штатга мувофиқ белгиланади.

МХТКда ўзининг номланишига эга бўлган муҳрлар, штамплар ва бланклар, шунингдек ўзининг фаолиятини олиб бориши учун бошқа реквизитлар мавжуд.

11. МХТК бошлиғи бевосита Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғига бўйсунди. МХТК бошлиғи МХТК раиси лавозимига юклатилган мажбуриятларини бажаришда, ҳарбий-тиббий экспертизани ташқил этиш ва ўтказиш бўйича бошқарув ҳужжатларидан фойдаланади.

12. МХТК алоҳида бир мутахассислик (терапия, жарроҳлик, невроло-

гия, психиатрия, отоларингология, офтальмология, дерматовенерология ва бошқалар) бўйича клиник тайёргарликни ўтаган, ҳарбий қисм ва ҳарбий-тиббий муассасалар бўйича иш тажрибасига эга бўлган малакали шифокорлар билан бутланади.

МХТК бошлиғи (раиси) эксперт ҳужжатларни кўриб чиқиш ва комиссия йиғилишида қатнашиш учун штатдаги комиссия аъзоларидан ташқари комиссиянинг бошқа шифокор-мутахассисларини комиссия аъзоси сифатида жалб қилиш ҳуқуқига эга. Зарурат туғилганда, Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғининг рухсати билан комиссия йиғилишида комиссия аъзоси сифатида Мудофаа вазирлигининг бош тиббий мутахассислари иштирок этиши мумкин.

13. МХТК қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш регламентини белгилайдиган қонун ҳужжатларига мувофиқ Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТКнинг хулосаларининг асосли эканлигини кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва тасдиқламаслик, асослаш, бекор қилиш ёки хулосани ўзгартириш, хулоса қабул қилиш;

фуқароларни ҳарбий хизматга, ҳарбий-ҳисоб мутахассислик бўйича хизматга (ўқишга) яроқлилиги тўғрисидаги ўзининг ҳамда Мудофаа вазирлиги ХТК ва тиббий комиссияларининг хулосаларини кўриб чиқишга;

ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинни) ўтаган ва ўтаётган фуқароларнинг касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларини, шу жумладан ўлимга олиб келган касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларни ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғин) ўташ билан сабабий боғлиқлиги бўйича хулоса қабул қилишга, ХТК ва тиббий комиссиялар хулосаларини, зарурат туғилганда ўзининг хулосасини қайта кўриб чиқишга;

Мудофаа вазирлигининг барча тиббий комиссиялари ва ХТК фаолиятини назорат қилишга;

ҳарбий-тиббий муассасалар, ҳарбий қисм ва ҳарбий-таълим муассасаларида (кейинги ўринларда ХТМ деб юритилади) профилактика, даволаш-диагностика ишлари ва ҳарбий-тиббий экспертиза ҳолатини, шу жумладан Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари тиббий текширув ва даволанишдан ўтаётган давлат соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларини текшириш;

давлат соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларида ўсмир ва чақирилувчи ёшлар орасида даволаш-соғломлаштириш ишларининг ташкил этилишини назорат қилиш ҳамда унинг натижаларини мониторинг қилиш;

Мудофаа вазирлигининг барча тиббий комиссиялари ва ХТКга ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича кўрсатма ҳамда тушунчалар бериш;

ҳарбий қисм командирлари (муассаса бошлиқлари) ёки РМТК томонидан йўлланган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, зарурат бўлганда уларни Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасалари ёки ХТКга тиббий текширувларни ўтказиш учун (шу жумладан стационар равишда) йўллаш; эксперт хулоса қабул қилиш учун зарурат бўлганда шахсий ва нафақа

жилдни, тиббий ҳужжатларни, хизмат текшируви, терговгача бўлган текширув, жиной иш материалларини (бир ойдан ошмаган муддатда қайтариш шарти билан), шу жумладан тавсифномалар, архив маълумотлар, буйрукдан кўчирмалар, далолатномалар, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга;

зарурат бўлганда, фуқаролар тиббий текширувларининг натижаларини баҳолаш, таҳлил қилиш, жамлаш учун тиббий комиссиялар ва ХТКдан, ҳарбий-тиббий, даволаш-профилактика муассасаларидан (уларни шакл ва хусусийлигидан қатъи назар), ҳарбий қисм, ХТМдан қўшимча маълумотларни, аниқлик киритувчи ва тўлдирувчи ҳисоботларни талаб қилишга;

ҳарбий-тиббий муассасалар ва ХТМда ташкил қилинган ХТКда ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш учун комиссия аъзоси сифатида рухсат берилган Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасалари шифокор-мутахассислар таркибини аниқлаш, зарурат бўлганда уларни ўзгартиришга;

ҳарбий-тиббий экспертиза масалаларини ҳал қилиш учун Мудофаа вазирлиги тиббиёт бош мутахассислари ва ҳарбий-тиббий муассасаларнинг шифокор-мутахассисларини жалб қилишга;

Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғига ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича маъруза қилишга.

14. МХТК зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

Мудофаа вазирлигида ҳарбий-тиббий экспертизани ташкил этиш, Мудофаа вазирлиги ХТК ҳамда тиббий комиссияларга раҳбарлик қилиш;

Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТК фаолиятини назорат қилиш ҳамда уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТКга тушунтириш ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини (кейинги ўринларда Қуролли Кучлар деб юритилади) бутлаш учун келган янги чақирилган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиш ҳолатини инобатга олган ҳолда, Қуролли Кучлар турлари, қўшин шакллари ва ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича тўғри тақсимлаш, алоҳида ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича тиббий танлов номзодларни ўқитиш мақсадида ўрганиш, тиббий текширув ва тиббий кўриклардан ўтказиш тадбирларини назорат қилиш ушбу ишларда услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳарбий-тиббий муассасалар, ҳарбий қисм, ХТМда профилактик, даволаш-диагностика ишларини, тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва ҳолатини назорат қилиш;

чақирилувчилар, ҳарбий хизматчиларга даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилган тиббий текширув ва даволанишларининг тўлақонлиги ва сифатини, шунингдек чақирилувчилар орасида ўтказилган даволаш-соғломлаштириш тадбирларининг сифатини назорат қилиш;

ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича ҳарбий-тиббий муассасалар, ҳарбий қисм ва ХТМ шифокорлари таркибининг таҳсил олишида услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

ўқув, махсус ёки назорат йиғинларига чақирилган, шунингдек соғлиги

учун хавfli ва ўта оғир шароит билан боғлиқ бўлган мутахассислиги бўйича ишлаётган, тайинланаётган (кираётган) фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этишни назорат қилиш, бу ишда уларга услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш регламентини белгилайдиган қонун ҳужжатларига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТК хулосаларининг асослилигини кўриб чиқиш;

ўзининг хулосасини, Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТКнинг хулосаларини назорат тартибида мурожаат бўлганда ҳамда бошқа зарурий ҳолатларда қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан саломатлигига кўра муқаддам бўшатишган фуқаролар, давлат соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларида тиббий текширувлардан ўтказиш натижасида муқаддам чиқарилган хулосалар қайта кўриб чиқилганда ёки соғлом деб топилганда уларни тиббий кўриқдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган фуқароларни назорат тариқасида ва бошқа асос бўлган ҳолларда тиббий кўриқдан ўтказиш;

Мудофаа вазирлиги тиббиёт бош мутахассислари ва ҳарбий-тиббий муассасаларининг бошқа шифокор-мутахассислари билан биргаликда ҳарбий меҳнатнинг зарарли ва ноқулай омилларини ҳарбий хизматчиларнинг соғлиги ҳолатига таъсирини таҳлил қилиш, уларнинг даволаниш ва тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларини баҳолаш;

ҳарбий хизматчиларнинг Қуролли Кучлар сафидан саломатлигига кўра, ҳарбий хизматда бўлиши чегара ёшига етмасдан бўшатилишининг олдини олиш ва уларнинг ҳарбий мутахассислик бўйича нолайик деб топилушига йўл қўймаслик мақсадида профилактика, даволаш-диагностика ишларини ва ҳарбий-тиббий экспертизани яхшилаш бўйича биргаликда таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳарбий-тиббий экспертизанинг ижобий тажрибаларини ўрганиб чиқиш ва умумлаштириш, унинг илғор бўлган шакл ҳамда услубларини Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТКнинг амалиётига татбиқ қилиш;

Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТКда ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича илмий тадқиқотни ташкил этиш ҳамда мазкур ишлар бўйича раҳбарлик қилиш;

ҳарбий-тиббий экспертизага жалб қилинаётган шифокор-мутахассислар, ўрта бўғин тиббий ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

ҳарбий-тиббий экспертиза бўйича қонун ҳужжатларига, ўқув ва услубий қўлланмаларига аниқлик, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғига тақдим этиш;

Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий-тиббий экспертизанинг ҳолати ва натижалари бўйича белгиланган шаклда Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғига, зарурат бўлганда юқори қўмондонликка, маълумотнома тақдим этиш.

15. МХТК Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт бош мутахассислари, Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасалари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муассасаларининг шифокор-мутахассислари билан бирга қуйидаги йўналишлар бўйича стандартларни ишлаб чиқишда иштирок этади:

чақирув участкаларида қайд этилаётган, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилаётган, сафарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилинаётган, шартнома бўйича ҳарбий хизматга, ХТМга кираётган фуқароларни, шунингдек ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг соғлигига нисбатан қўйиладиган талабларни;

чақирув участкаларида қайд этилаётган, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилаётган, сафарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилинаётган, шартнома бўйича ҳарбий хизматга, ХТМга кираётган фуқароларни, шунингдек ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг тиббий текширув ва тиббий кўрикдан ўтказиш услубларини;

муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилаётган, шартнома бўйича ҳарбий хизматга, ХТМга кираётган фуқароларни, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг соғлиги ҳамда жисмоний ривожланиш ҳолатига мувофиқ, Қуролли Кучлар турларига, қўшин шакллари ва ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича хизматга белгилаш ва тақсимлаш мақсадга мувофиқлигига кўрсатмаларни;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ва шароити оғир иқлимли ҳудудларда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташига, уларнинг оила аъзолари яшашига қарши тиббий кўрсатмаларни;

ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароит билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (кираётган) ёки ишлаётган фуқаролар учун қарши тиббий кўрсатмаларни.

16. МХТК Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўсмир ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш маркази билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

ўсмир ва чақирилувчи ёшларни Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматга тайёрлашнинг тиббий таъминоти устидан назорат, фуқароларни чақирув участкаларида қайд этишда, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилишда, шартнома бўйича ҳарбий хизмат ва ХТМга киришда тиббий кўрикдан ўтказилишни назорат қилишни;

МИБ, МИББ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органларига ҳарбий-тиббий экспертизани ташкил этишда амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатишни;

мунозарали ҳолатлар ёки чақирув комиссияларининг хулосасидан норози бўлган фуқаролар мурожаат қилганда, Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТКнинг хулосаларини қайта кўриб чиқишни;

фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилишда, шартнома бўйича ҳарбий хизмат ва ХТМга киришда тиббий кўрик-

дан ўтказиш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, таҳлил натижалари бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш сифатини яхшилаш учун амалий чораларни ишлаб чиқишни;

Мудофаа вазирлиги тиббий комиссиялари ва ХТКда ҳарбий-тиббий экспертиза самарадорлигини ошириш мақсадида, фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сарфарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилиш, шартнома бўйича ҳарбий хизмат ва ХТМга киришда тиббий кўрикдан ўтказишга жалб қилинган шифокор-мутахассислар билан биргаликда илмий-амалий, йўл-йўриқ берувчи услубий машғулотларни ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

17. Штатдан ташқари тиббий комиссиялар ва ХТК ташкил этилган муассаса таркибида ўз фаолиятини юритади. Штатдан ташқари доимий фаолият юритувчи тиббий комиссиялар ва ХТКга қуйидагилар киради:

госпиталь ХТК;

гарнизон ХТК;

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали (кейинги ўринларда МХКГ деб юритилади) хузуридаги госпиталь тиббий-учувчилик комиссияси (кейинги ўринларда ТУК деб юритилади);

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучларининг (кейинги ўринларда ХХМҚ ва ХХК) авиация тиббиёт маркази хузуридаги ТУК;

МИБ хузуридаги тиббий комиссия;

санаторий-саралаш комиссияси.

Штатдан ташқари вақтинча фаолият юритувчи тиббий комиссиялар ва ХТКга қуйидагилар киради:

Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия ХТМ хузуридаги ХТК;

учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ХТМ хузуридаги ТУК;

МИББ хузуридаги тиббий комиссия;

Қорақалпоғистон Республикаси (вилоят) муқобил тиббий комиссияси.

18. Штатдан ташқари ташкил этилаётган ҳарбий-тиббий комиссиялар Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги бирлашма, гарнизон ва ҳарбий тиббий муассасалар рўйхати Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси томонидан бир йилга белгиланади.

Мудофаа вазирлиги бирлашмалари, гарнизонлари ва ҳарбий-тиббий муассасаларининг ташкилий-штат тузилмасига ўзгартиришлар киритилса, юқорида баён этилган рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

19. МХТК бошлиғининг тақдимномасига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси томонидан гарнизонлар ва ҳарбий-тиббий муассасалар хузуридаги штатдан ташқари гарнизон, госпиталь ХТК, ТУК, санаторий-саралаш комиссияларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари шахсий таркиби бир йилга белгиланади.

Штатдан ташқари ХТК аъзолари ва котибаларининг шахсий таркибини МХТК томонидан бир йилга белгиланади. Тиббий комиссия ва ХТК таркибида комиссия раиси билан шифокор-мутахассисларнинг сони тоқ бўлиши лозим.

ХХМҚ ва ХХК тиббий таъминот хизмати бошлиғининг тақдимномасига

мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари ХХМҚ ва ХХК қўмондони томонидан ХХМҚ ва ХХК авиация тиббиёт маркази ҳузуридаги ТУКнинг шахсий таркиби бир йилга тасдиқланади.

Комиссиялар таркибига кирган ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларининг хизмат жойи ўзгарганда ёки Қуролли Кучлар сафидан бўшатиш ҳолларида, тегишли мутасадди шахслар томонидан ушбу комиссия таркибига ўзгартиришлар киритилади.

20. Госпиталь ХТК ҳарбий госпиталда (ҳарбий лазаретда) ташкил этилади. Ҳарбий госпиталь (ҳарбий лазарет) бошлигининг буйруғи билан комиссия раиси, комиссия аъзолари ва котибадан иборат бўлган ХТКнинг шахсий таркиби тасдиқланади.

МХКГ ҳузурида клиник ихтисослигига кўра бир неча ХТК ташкил этилади: жарроҳлик, терапия, руҳий ва асаб касалликлари, юқумли касалликлар бўйича, шунингдек госпиталь ТУК ташкил этилади.

21. Гарнизон ХТК, мазкур гарнизон ҳудудида жойлашган ҳарбий-тиббий муассаса ҳузурида гарнизон бошлигининг буйруғи билан ташкил этилади. Гарнизон бошлигининг мазкур буйруғи билан комиссия раиси, комиссия аъзолари ва котибадан иборат бўлган ХТКнинг шахсий таркиби тасдиқланади (Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникаси ҳузуридаги ХТК бундан мустасно).

Поликлиника бошлигининг буйруғи билан Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникаси ҳузуридаги ХТК шахсий таркиби тасдиқланади.

22. Гарнизон (ҳарбий-тиббий муассаса ҳузурида) санаторий-саралаш комиссияси календарь йили муддатига, гарнизон тиббий таъминот хизмати тақдимномасига мувофиқ ҳамда Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси ва МХТК билан келишилган ҳолда гарнизон (ҳарбий-тиббий муассаса) бошлигининг буйруғи билан ташкил этилади.

МХКГ ва Марказий поликлиника ҳузуридаги санаторий-саралаш комиссияларининг шахсий таркиби юқори матндаги ҳарбий-тиббий муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

23. Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармасининг тақдимномасига мувофиқ ХТМ ҳузуридаги ХТК (ТУК) раислари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланади. ХТМ ҳузуридаги ХТК (ТУК) раислари этиб одатда, МХТК штатли аъзолари, уларнинг ўринбосарлари сифатида эса тегишли ХТМ тиббий таъминот бошлиқлари тайинланади.

Қолган комиссия аъзолари Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлигининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия аъзолари сифатида Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасаларининг шифокор мутахассислари жалб этилади.

Миллий гвардия ХТМ ҳузуридаги ХТК таркиби Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланади.

24. ХТК қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ку-

ролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом ва Ўзбекистон Республикасида ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш регламентини белгилайдиган бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳулосаларни қабул қилиш;

ҳарбий-тиббий экспертиза манфаатлари мақсадида мазкур ҳарбий-тиббий муассасага бириктирилган ҳарбий қисмларда (муассасаларда) профилактика ва даволаш-диагностика ишларини, шунингдек давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ҳарбий хизматчиларининг диагностика ва даволаш-соғломлаштириш ишларини ташкил этишни назорат қилиш.

25. ХТК зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ҳарбий хизматчиларини, шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, чақирилувчилар, ХТМга кираётган номзодлар, ҳарбий хизматга мажбурлар, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ишчи ва хизматчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш;

ҳарбий-тиббий муассасага ётқизиш ўз вақтида ва асослилигини, тиббий текширув ва даволашнинг тўлақонлилигини ҳамда сифатини, юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказишга юборилиши, даволанишга (текширувга) муҳтожларни муддатидан олдин асоссиз чиқарилишини огоҳлантириш ёки уларни даволаш (текширув) кунидан кўп муддат давомида асоссиз ушлаб турилишини назорат қилиш;

ҳарбий-тиббий экспертиза манфаатлари мақсадида, гарнизон (ҳарбий-тиббий муассасанинг жавобгарлик) ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар (муассасалар) шахсий таркибининг тиббий таъминотини ташкил этиш ва унинг ҳолатини назорат қилиш, шунингдек уларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланиш ҳолатига кўра кўшин шакллари ва ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича тақсимланишини назорат қилиш;

ҳарбий-тиббий экспертиза манфаатлари мақсадида, гарнизон (ҳарбий-тиббий муассасанинг жавобгарлик) ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда (муассасаларда) профилактика ва даволаш-диагностика ишларини ташкил этиш, шунингдек ХТКнинг мукаддам чиқарган ҳулосаларининг ижро этилишини назорат қилиш;

тиббий ва эксперт ҳужжатларни сифатли расмийлаштиришни назорат қилиш;

ҳарбий хизматчиларнинг даволаш якунларини ўрганиб чиқиш, бириктирилган ҳарбий қисмлар (муассасалар) ҳарбий хизматчиларнинг умумий касалланиш сони, ётқизилиши, ҳарбий хизматдан бўшатилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва гарнизон (ҳарбий-тиббий муассаса) бошлиғига тақдим қилиш;

комиссия иши натижаларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, МХТКга ўз вақтида ХТКнинг фаолияти натижаларининг ҳисобот даври ва йил якуни бўйича хабарнома бериш;

гарнизон (ҳарбий-тиббий муассаса) шифокор-мутахассислари, ўрта бўғин тиббиёт ходимларини ҳарбий-тиббий экспертиза масалалари бўйича гарни-

зоннинг (ҳарбий-тиббий муассасанинг) қўмондонлик ва махсус тайёргарлик машғулотлари тизимида тайёрлаш.

26. МИБ ва МИББ ҳузуридаги тиббий комиссияларнинг тузилиш тартиби, комиссия аъзолари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 октябрдаги 265-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақирув резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисидаги низом асосида белгиланади.

27. Тиббий комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»-ги низомига мувофиқ хулосаларни қабул қилиш;

қўйи турган тиббий комиссияларнинг фаолиятини текшириш ва уларнинг хулосаларини қайта кўриб чиқиш, МХТКда кўриб чиқиладиган ва тасдиқланадиган хулосалар бундан мустасно;

ҳарбий-тиббий экспертиза манфаатлари мақсадида ўсмир ва чақирилувчилар даволанадиган давлат соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларида профилактик ва даволаш-диагностика ишларининг ташкил этилиши ва ҳолати, шунингдек ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббий марказлари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидаги ўсмир ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш бўлинмаларининг (кейинги ўринларда ўсмирлар бўлинмалари деб юритилади) фаолиятини текшириш.

28. Тиббий комиссия зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юклатилади:

фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш вақтида чақирилувчиларни ҳарбий хизматга мажбурлар, МИБ ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассислик бўйича тайёрлаш марказлари, ХТМ, «Темурбеклар мактаблари»га кираётган номзодлар, лозим бўлганда бошқа тоифадаги фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш;

қўйи турган тиббий комиссиялар фаолиятининг ташкил этилиши ва аҳволини назорат қилиш;

ҳарбий-тиббий экспертиза манфаатлари мақсадида, ўсмир ва чақирилувчилар даволанадиган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларида профилактика ва даволаш-диагностика ишларини ташкил этиш ва ҳолатини, шунингдек ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббий марказлари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидаги ўсмирлар бўлинмаларининг фаолиятини текшириш;

тиббий комиссия фаолиятининг натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўсмир ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш марказига ва МХТКга бажарилган ишлар натижаси бўйича, шунингдек ўсмир ва чақирилувчилар даволанадиган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларида профилактика ва даволаш-диагностика ишларини ташкил этишда аниқланган камчиликлар ва ушбу камчиликларни бартараф қилиш режаси, шу жумладан ҳуду-

дий кўп тармоқли болалар тиббий марказлари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидаги ўсмирлар бўлинмаларининг фаолияти натижалари тўғрисида маълумотлар тақдим қилиш.

29. Иш юритиш, ёзма мулоқот, моддий-техник таъминотни амалга ошириш ҳузурида штатдан ташқари тиббий комиссия ёки ХТК ташкил этилган муассаса зиммасига юклатилади.

3-боб. Тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби

30. Фуқароларга тиббий кўриқдан ўтказишдан аввал, мазкур Низомнинг 1-илоvasида* келтирилган мажбурий тахлилий ва тиббий ускуналар ёрдамида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига мувофиқ мажбурий диагностик тадқиқотлар, зарурият туғилганда тиббий кўрсатмаларга кўра бошқа текширувлар ўтказилади.

31. Тиббий кўриқдан ўтказиш кундузги ёруғликда махсус ажратилган ёруғ, иссиқ ва кенг хоналарда ўтказилади. Кундузги ёруғлик етарли бўлмаган шароитларда сунъий ёруғлик шифокорларнинг ишлаши учун етарли бўлиши лозим. Ҳар бир шифокорга алоҳида хона ажратилади.

Шифокор-мутахассисларнинг хоналари тиббий кўриқдан ўтказиш учун мазкур Низомнинг 2-илоvasида* келтирилган тиббий комиссиялар ва ХТК шифокор-мутахассисларнинг хоналарини жиҳозлаш учун бўлган дори воситалари ва тиббий ускуналар рўйхатига мувофиқ лозим бўлган дори воситалари ҳамда тиббий ускуналар билан таъминланган бўлиши лозим.

32. Тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларнинг соғлиги, саломатлигига оид шикоят бор ёки йўқлигидан қатъи назар, сўров асосида ҳар томонлама объектив текширувлар ёрдамида аниқланади.

Тиббий кўриқдан ўтаётган шахслар томонидан уларнинг саломатлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган, шунингдек диспансер кузатувида оид турли тиббий ҳужжатларнинг тақдим этилиши, уларни тиббий кўриқдан ўтказилишидан озод қилинмайди.

Тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларнинг тиббий ҳужжатлари, тавсифномалари ўрганилиб, шахсий йиғма жилди ва бошқа ҳужжатлари билан танишиб чиққач, қандай шикоятлари борлигини сўраб билиб, анамнези йиғилгандан кейин, шифокор-мутахассислар томонидан тиббий текширув ўтказилади.

33. Тиббий комиссия ёки ХТК тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида мазкур Низомнинг 3-илоvasида* келтирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича кўрсатмалар асосида фуқарони кўриқдан ўтаётган даврдаги соғлиги ва жисмоний ривожланиш ҳолатини ўрганиб, унга баҳо беради. Аёллар шифокор-гинеколог томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт.

Ҳарбий тиббий экспертизанинг шифокор-мутахассислари оммавий тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида қисқа вақт сарфлаган ҳолда тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларнинг соғлиги тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

имкониини берувчи махсус (ҳарбий) текширув усулидан фойдаланилади. Шу мақсадда, аъзо ва тизимларнинг текшируви аниқ белгиланган тартиб ҳамда шундай кетма-кетликда ўтказиладики, бунда уни ўтказишга кам вақт сарф қилинади ва текширувларнинг бирор-бир усули бошқаларининг ўтказилишини қийинлаштирмайди.

34. Тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларни текширув жараёнида муҳими, фақатгина жисмоний жиҳатдан нуқсон топиш ёки касаллик, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асорати хусусиятларини аниқлаш эмас, балки касалланган аъзо фаолиятига оид бузилиш ҳамда компенсация даражаси ва умуман организмнинг фаолиятга оид мослашувчанлигини аниқлаш лозим, чунки ушбу омил тегишли эксперт хулосасини чиқаришга асос бўлади.

35. Меъёрдан фарқ қилувчи кўрсаткичлар мавжуд бўлган барча ҳолатларда, тиббий кўриқдан ўтаётган шахс аниқланган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, мукамал текширувдан ўтказилиши ва тегишли шифокор — мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим. Агар амбулатория шароитидаги текширувлардан сўнг ҳам ташхис ноаниқлигича қолса ёки шубҳа туғдираётган бўлса, тиббий кўриқдан ўтаётган шахс стационар шароитдаги текширувларга юборилади.

36. Аввал тиббий комиссиялар ёки ХТК томонидан мазкур Низомнинг 4-илоvasида* келтирилган касалликлар, жисмоний нуқсонлар жадвали ва айрим моддаларга бериладиган шарҳлар (кейинги ўринларда касалликлар жадвали деб юритилади) 8-, 9-, 14-, 15-, 16-, 17-, 18-, 20-, 21-, 68-, 69-, 82-моддалари (моддаларнинг бандлари) бўйича F ёки E яроқлилиқ тоифалари тайинланган шахслар тақрорий тиббий кўриқдан ўтказилмайди.

37. Резерв ёки захирада турган офицерларни резерв тоифаси, ҳарбий — ҳисоб мутахассислиги ва режалаштирилган лавозимга кўра тиббий кўриқдан ўтказишнинг даврийлиги Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Қуролли Кучлар сафининг биринчи тоифа резерви ҳисобида турган, жанговар бўлинмалар ва жанговар таъминот ҳарбий бўлинмаларига режалаштирилган резервдаги ёки захирадаги офицерларни навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказиш оралиғи 5 йилдан ошмаслиги лозим.

Қуролли Кучлар сафининг иккинчи тоифа резерви ҳисобида турган, техник ва фронт орти таъминоти ҳарбий бўлинмаларга режалаштирилган резервдаги ёки захирадаги офицерларни навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказиш оралиғи 7 йилдан ошмаслиги лозим.

4-боб. Фуқароларнинг соғлиги ҳолатига нисбатан қўйиладиган талаблар

38. Фуқарони ҳарбий хизматга, ҳарбий — ҳисоб мутахассислик бўйича хизматга (таҳсил олишга) яроқлилиги тиббий комиссия ва ХТК томонидан фуқароларнинг соғлиги ҳолатига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ аниқланади.

Фуқароларнинг соғлиги ҳолатига нисбатан қўйиладиган талаблар —

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фуқаролар соғлиги ва жисмоний ривожланишини тавсифловчи тиббий кўрсаткичлар бўлиб, уларга мувофиқ фуқароларнинг ҳарбий хизматга, ҳарбий мутахассислик бўйича хизматга (таҳсил олишга) яроқлилиқ тоифалари аниқланади.

39. Касалликлар жадвали билан фуқаролар соғлигининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган асосий талаблар белгиланади. Мазкур Низомнинг 5-илоvasида* келтирилган фуқаролар соғлиги ва жисмоний ривожланишининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар рўйхати (кейинги ўринларда қўшимча талаблар рўйхати деб юритилади) ҳамда мазкур Низомнинг 6-илоvasида* келтирилган меъёрда ва озикланиш бузилишларидаги фуқароларнинг бўйи ва тана вазни нисбатининг жадвалига (кейинги ўринларда бўй ва тана вазни нисбатининг жадвали деб юритилади) мувофиқ, касалликлар жадвалида қайд этилмаган фуқаролар соғлигининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар белгиланади.

40. Тиббий кўрикдан ўтаётган фуқаролар касалликлар жадвалининг куйидаги устунлари бўйича тақсимланади:

I-устун — чакирув участкаларида қайд этилаётган, муқобил хизматга чақирилаётган, МИБ ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказларига танлаб олинаётган (таҳсил олаётган), ҳарбий таълим муассасалари ҳузуридаги ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларига (ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курслар) танлаб олинаётган (таҳсил олаётган) фуқаролар; оддий аскар ва сержант ҳарбий унвонлари мавжуд бўлган Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ, ДХХ ЧҚ, ИИВ ҳарбий тузилмаларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВга шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган, ҳарбий йиғинларга чақирилаётган (ўтаётган) фуқаролар, ҳарбий хизматга мажбурлар; оддий аскарлар таркибидаги Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ, ДХХ ЧҚ, ИИВ ҳарбий тузилмаларининг муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари; ХТМнинг I-босқич курсантлари;

II-устун — Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ХТМга кираётган фуқаролар; ХТМнинг курсантлари; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, хорижий давлатлар ХТМнинг биринчи босқичидан таҳсил олиш учун юборилаётган ХТМнинг биринчи босқич курсантлари;

III-устун — офицерлар ва генераллар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВга шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган, ҳарбий йиғинларга чақирилаётган (ўтаётган) фуқаролар, ҳарбий хизматга мажбурлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) юборилаётган офицерлар ва генераллар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар; ХТМнинг битирувчи босқич курсантлари.

IV-устун — оддий аскар ва сержантлар таркибидаги лавозимларда шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар; Ўзбекистон

* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республикаси ҳудудидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) юборилаётган юқори матндаги фуқаролар; ХТМнинг иккинчи ва юқори босқич (битирувчи босқич бундан мустасно) курсантлари;

V-устун — ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавфли ва ўта оғир шароит билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (кираётган) ёки ишлаётган Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВнинг ҳарбий хизматчилари, ҳарбий хизматга мажбурлар, ишчи ва хизматчилар;

VI-устун — сафарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилинаётган, сафарбарлик чақирув резервида хизмат ўтаётган фуқаролар.

41. Организмга салбий таъсир кўрсатадиган, касбий касалликлар пайдо бўлишининг юқори даражали хавфи мавжуд бўлган лавозимлар, мутахассисликлар ва ишларга жалб этиладиган ҳамда мазкур Низомнинг 7-илоvasида* келтирилган ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавфли ва ўта оғир шароит билан боғлиқ бўлган лавозимлар ҳамда ҳарбий — ҳисоб мутахассисликлар рўйхатига кирган фуқаролар касалликлар жадвалининг V-устуни бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади.

42. Ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавфли ва ўта оғир шароит билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (кираётган) ёки ишлаётган фуқароларнинг тиббий текширув миқдори, шунингдек юқори матндаги ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавфли ва ўта оғир шароит билан ишлаётган шахслар орасида даволаш-профилактика чора-тадбирлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ белгиланади.

5-боб. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлиги туфайли оғир иқлим шароитли ҳудудларда хизматни ўташ (яшаш) имкониятини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби

43. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигига кўра қуйидаги оғир иқлим шароитли ҳудудларда хизматни ўташ (яшаш) имконияти бўлмаганда тиббий кўрикдан ўтказилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё вилоятлари, Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани, Қашқадарё вилояти Муборак тумани, Қамчиқ довони (Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳудудида);

баланд тоғли ҳудудлари (денгиз сатҳидан 2500 м ва ундан баланд);

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига оғир иқлимли давлатларга.

44. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудларда хизмат қилишга ўтказилаётган ёки хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ёки уларнинг оила аъзоларида ушбу ҳудудларда хизматни ўташга (яшашга) тўсқинлик қиладиган касалликлар, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) оқибатлари мавжудлиги тўғрисида ўрнатилган тартибда мурожаат қилганларида, мазкур Низомнинг 46-бандига мувофиқ, ҳарбий-тиббий комиссиясига саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтқа-

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зишга, улар айрим чекланишлар билан ҳарбий хизматга яроқли ёки чекланган равишда яроқли деб топилган ҳолатларда эса, уларни мазкур ҳудудларда хизматни ўташ имкониятларини аниқлаш учун юборилишлари мумкин. Уларнинг оила аъзолари ҳам мазкур ҳудудда яшаш имкониятини аниқлаш учун худди шундай тартибда юборилишлари мумкин.

Ҳарбий хизматчининг оила аъзоларини тиббий кўриқдан ўтказишга юборилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

45. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етган ҳарбий хизматчилар ўзи ёки оила аъзоларининг саломатлигига кўра, ушбу ҳудудларда хизматни ўташга (яшашга) имконияти йўқлиги тўғрисидаги масалани кўтарган тақдирда, ҳарбий хизматдан резервга (истеъфога) бўшатилиши олдидан, ўрнатилган тартибда ҳарбий хизматга яроқлилик тоифасини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказишга юборилади. Уларнинг оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказишга юборилмайди.

46. ХТКга тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўллаш қўйидагича амалга оширилади:

мазкур Низомнинг 43-бандида қайд этилган ҳудудларга хизматни ўташ учун юборилаётган офицерлар таркибидаги шахслар ва уларнинг оила аъзоларини ҳарбий округлар қўшинларнинг қўмондонлари, уларга тенг ва юқори қўмондонлик қарори билан;

мазкур Низомнинг 43-бандида қайд этилган ҳудудларда хизматни ўтаётган офицерлар таркибидаги шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига оғир иқлимли давлатларга хизмат сафарига юборилаётганлар ва уларнинг оила аъзоларини Мудофаа вазирлиги бош бошқармаларининг бошлиқлари, уларга тенг ва юқори қўмондонлик қарори билан;

оддий аскар ва сержантлар таркибидаги шартнома бўйича ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларини қўшилма командирларининг (муассаса бошлиқларининг) қарори билан.

47. Ҳарбий қисм командири ёки кадрлар бўлинмалари бошлиғи томонидан ҳарбий хизматчи ёки унинг оила аъзоларига берилган ХТКга мазкур Низомнинг 8-илоvasида* келтирилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўлланмада қўйидагилар кўрсатилади:

ҳарбий хизматчига — унинг саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқлилик тоифасини аниқлаш, айрим чекланишлар билан ҳарбий хизматга яроқли ёки чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли деб топилган ҳолатларда хизматни аниқ бир ҳудудда ёки аҳоли пунктида ўташ имкониятини аниқлаш учун юборилаётганлигини;

ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига — ХТК томонидан муайян ҳудуд ёки аҳоли пунктида яшаш имкониятини аниқлаш кераклигини;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига оғир иқлимли давлатларга хизмат сафарига юборилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзола-

* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рига — уларнинг саломатлигига кўра Ўзбекистон Республикасидан ташқарига оғир иқлимли давлатларга хизмат сафарига бориш имкониятини (оила аъзолари учун — бориш ва яшаш имкониятини) аниқлаш учун юборилаётганлигини.

Йўлланмага қуйидагилар илова қилинади:

ҳарбий хизматчига — касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятлари, ўтказилган муолажалар самараси ва хизматни ўташ жойи иқлим шароитининг соғлиғига таъсири ҳақидаги қисм шифокори (шифокор-мутахассисларнинг) хулосаси кўрсатилган тиббий тавсифномаси, тиббий китобчаси;

ҳарбий хизматчининг оила аъзосига — маҳаллий иқлим шароитларининг соғлиғига таъсири тўғрисидаги Мудофаа вазирлиги ҳарбий-тиббий муассасалари ёки давлат соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларидаги текширув, даволаш ва узоқ муддатли кузатув натижалари кiritилган тиббий ҳужжатлар.

48. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказиш ХТК томонидан батафсил объектив текширувлардан сўнг, тиббий кузатувлар ва даволаниш маълумотларини инobatга олган ҳолда ўтказилади.

Тиббий кўрикдан ўтказишда ХТК қуйидагиларни инobatга олиши лозим:

ихтисослаштирилган тиббий ёрдам мавжуд бўлган, ободонлаштирилган ҳамда қулайлик яратилган ҳудуд ва гарнизонларда хизматни ўташ (яшаш) иқлимнинг салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириши ва даволашни самарали олиб боришга имкон беришини назарда тутиб, зарурий тиббий ёрдамни олиш бўйича тиббий кўрикдан ўтаётган шахсни юборилаётган ёки хизматни ўтаётган (яшаётган) ҳудуднинг ҳақиқий шароити ва имкониятини;

ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари оғир иқлим шароитли ҳудудларда хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қийинчиликларни бошдан кечирмаётганлигини;

ҳарбий хизматчи ёки уларнинг оила аъзоларининг соғлиғига кўра, Ўзбекистон Республикасининг марказий ҳудудлари ёки мўътадил иқлими бўлган бошқа ҳудудларга ўтказиш имкониятларининг чегараланганлигини.

Шунинг учун ХТК мазкур Низомнинг 43-бандида кўрсатилган ҳудудларда хизматни ўташга (яшашга) қарши кўрсатмалар бор деган хулосасини фақатгина ҳарбий округ миқёсида керакли тиббий ёрдам кўрсатишнинг имконияти умуман йўқ бўлганда ва ҳарбий хизматчини ушбу ҳудудларга ёки ушбу ҳудудлардан бошқа жойга ўтказиш унинг соғлигини сақлаб қолишнинг бирдан-бир чораси бўлган ҳолларда чиқариш лозим.

49. ХТК тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида қуйидагиларни аниқлаши шарт:

ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ҳарбий хизматга яроқлилик тоифасини;

саломатлигига кўра имкониятларини: айрим чекланишлар билан ҳарбий хизматга яроқли ёки чекланган равишда яроқли деб топилган ҳарбий хиз-

матчида хизматни ўташга, ҳарбий хизматчининг оила аъзоларида эса тиббий кўриқдан ўтаётган шахсни ХТКга юборган кўмондонлик, бошлиқ томонидан берилган йўлланмада (хужжатда) кўрсатилган ҳудудда яшашга, бунда ХТК мазкур Низомнинг 9-илоvasида* келтирилган ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларини оғир иқлим шароитида хизматни ўташига (яшашига) қарши тиббий кўрсатмалар рўйхати амал қилади;

агар мазкур ҳудудда хизматни ўташга (яшашга) қарши кўрсатмалар мавжуд деб топилса, ҳарбий хизматчи ёки унинг оила аъзосининг касаллигини кечишини ҳисобга олган ҳолда, аввало ҳарбий округ миқёсида бошқа жойга ўтказиш имконияти ва ўтказиш муддатини.

50. ХТК хулосаси мазкур Низомнинг 10-илоvasида* келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур ҳудудида хизматни ўташга (яшашга) қарши кўрсатмалар бўлмаган ҳолларда ХТК қуйидагича хулоса чиқаради: «_____ ҳудудида хизматни ўташга (яшашга) қарши кўрсатмалар йўқ». Ушбу хулоса тиббий кўриқдан ўтказишнинг санаси ва ташхис кўрсатилган ҳолда ХТК раисининг имзоси билан ҳарбий хизматчининг тиббий китобчасига, оила аъзосига эса унинг тиббий хужжатига ёзилади. Ҳарбий хизматчи ёки унинг оила аъзосини тиббий кўриқдан ўтишга юборган ҳарбий қисм командири ёки кадрлар бўлинмасига мазкур Низомнинг 11-илоvasида* келтирилган шаклдаги маълумотнома юборилади.

Саломатлигига кўра ҳарбий қисм командири ёки кадрлар бўлинмаси томонидан берилган йўлланмада кўрсатилган ҳудудда хизматни ўташга (яшашга) қарши тиббий кўрсатмалар топилганда ХТК мазкур Низомнинг 12-илоvasида* келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома уч нусхада 93-бандда белгиланган тартибда тузилади. Ҳарбий хизматчига чиқарилган хулосада аввал ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси касалликлар жадвалининг моддаси ва устунига мувофиқ кўрсатилади, кейин эса мазкур ҳудудда хизматга қарши тиббий кўрсатмаларнинг борлиги, хизмат жойини ўзгартиришга муҳтожлиги ҳамда ҳарбий хизматчини қайси яқинроқ ҳудудга (иқлим ҳудудига) ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва шошилишчлиги қайд этилади.

Ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига мазкур Низомнинг 12-илоvasида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳарбий хизмат ва касалликнинг сабабий боғлиқлигига оид бандлари тўлдирилмайди. «Ҳарбий унвони» бандида тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг оила бошлиғига ким бўлиши (эри, хотини, ўғли, қизи ва х. к.) ва ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвони, фамилияси, исми ва шарифи кўрсатилади.

Хизматга (яшашга) қарши тиббий кўрсатмалар борлиги ҳақидаги хулоса қуйидаги таҳрирда чиқарилади: «Мазкур Низомнинг 9-илоvasида келтирилган «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини оғир иқлим шароитли ҳудудларда ҳарбий хизматни ўташига (яшашига) қарши тиббий кўрсатмалар рўйхатининг _____-моддаси _____-бандига асосан кўрсатилган

* 9 — 12-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудда (қайси ҳудудлиги кўрсатилсин) ҳарбий хизматни ўташга (оила аъзоларига — яшашга) қарши тиббий кўрсатмалар мавжуд».

Агар тиббий кўрикдан ўтаётган шахсда унга нисбатан қарши тиббий кўрсатмалар мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқарилаётган ҳудудда хизматни ўтаётган (яшаётган) бўлса, қарорда унинг қайси яқин ҳудудларга ўтказилишга (кўчирилишга) муҳтожлиги ва шошиличлиги қайд этилади.

51. Ўзбекистон Республикасининг у ёки бошқа ҳудудда ҳарбий хизматга (яшашга) қарши тиббий кўрсатмалар қайд этилган ХТКнинг хулосаси мавжуд бўлган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома мазкур Низомнинг 92-бандига мувофиқ МХТКда тасдиқланади.

МХТК тасдиқлаган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг биринчи нусхасини тақдим қилган ХТКга қайтаради, иккинчи нусхаси тиббий кўрикдан ўтказишни таклиф қилган ҳарбий қисм командири ёки кадрлар бўлинмасига юборилади, учинчи нусхаси МХТКда қолдирилади.

Мазкур Низомнинг 94-бандида назарда тутилган ҳолатларда, тасдиқланмаган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг биринчи ва иккинчи нусхалари уни расмийлаштирган ХТКга тасдиқланмаслик сабабларини кўрсатган ҳолда қайтарилади, учинчи нусхаси эса МХТК йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

Мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотнома тарзида расмийлаштирилган ХТК хулосалари МХТКда тасдиқланмайди.

52. Ҳарбий-тиббий муассасаларида бепул даволанишга имтиёзи бўлмаган шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказиш зарурияти туғилганда ёки тиббий текширув ўтказиш учун керакли шифокор-мутахассислар ёки диагностика воситалари мавжуд бўлмаганда, уларнинг тиббий ва бошқа ҳужжатлари МХТКга юборилади. МХТК тиббий ҳужжатлар ўрганиб чиққанидан сўнг, шартнома бўйича ҳарбий хизматчининг оила аъзосига оғир иқлим шароитли ҳудудларида яшай олиш имконияти тўғрисидаги маслаҳат хулосаси тақдим этилади.

53. МХТК, шунингдек тиббий хизмат ва ҳарбий-даволаш муассасаларининг бошлиқлари ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзоларининг тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини қатъий назорат қилишга мажбурлар.

54. Ҳарбий хизматчи ёки унинг оила аъзоларини саломатлигига кўра бошқа ҳудудга ўтказилишга муҳтожлиги ёхуд унинг у ёки бу ҳудудга юборилмаслиги ҳақидаги МХТК томонидан тасдиқлаган ХТКнинг хулосалари «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби

55. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) танланаётган шахсларга тиббий кўрикдан ўтказиш учун йўллан-

ма Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиқлари) ёки кадрлар бўлинмалари томонидан берилади.

56. Тиббий кўриқдан ўтказиш учун юбориладиган шахслар ХТКга қуйидагиларни тақдим этади:

юборилаётган шахснинг ҳарбий унвони, фамилияси исми, шарифи, туғилган йили, лавозими, қачон ва қайси МИББ томонидан чақирилганлиги, тиббий кўриқдан ўтказиш мақсади ва дастлабки ташхис кўрсатилган мазкур Низомнинг 8-илоvasида келтирилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўлланма;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

хизмат ва тиббий тавсифномалар;

охирги уч йил давомида чуқурлаштирилган тиббий кўриқ (диспансеризация) маълумотлари кўрсатилган тиббий китобча (ҳарбий хизматчилар учун) ёки амбулатор беморнинг тиббий варақаси (ишчи ва хизматчилари).

57. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) 6 ойгача бўлган муддатга юборилаётган шахслар хизмат жойларидаги ХТКда тиббий кўриқдан ўтадилар, уларга мазкур Низомнинг 11-илоvasида келтирилган маълумотнома тақдим этилади. Экспертиза ҳужжатлари МХТК томонидан кўриб чиқилмайди ва асосланмайди.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) 6 ойдан ортиқ бўлган муддатга юборилаётган шахслар тиббий кўриқдан икки босқичда ўтказилади (учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ХТМ курсантлари бундан мустасно):

бирламчи — гарнизон (госпиталь) ХТК томонидан;

назорат тартибда — Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникаси ҳузуридаги ХТК томонидан.

Эксперт ҳужжатлари МХТК томонидан кўриб чиқилади, ХТК хулосаси эса асосланади.

58. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) юборилаётган Қуролли Кучлар авиациясининг учувчилар таркиби ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ХТМ курсантлари қуйидаги тартибда тиббий кўриқдан ўтказилади:

бирламчи — ХХМҚ ва ХХК авиация тиббиёт маркази ҳузуридаги ТУК;

назорат тартибда — МХКГ ҳузуридаги ТУК.

59. Тиббий китобчасида охирги уч йил давомидаги диспансеризация натижалари бўлмаган шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш гарнизон госпиталларида дастлабки тиббий текширувдан сўнг, фақат стационар шароитда Мудофаа вазирлиги МХКГда амалга оширилиши лозим.

60. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) танлаб олинган шахсларга тиббий кўриқдан ўтишидан олдин оғиз бўшлиғи санацияси ва мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган мажбурий таҳлилий ҳамда тиббий ускуналар ёрдамида ўтказиладиган текширувларнинг рўйхатида назарда тутилган диагностик текширувлар ўтказилади.

Таҳлилий, рентгенологик, тиббий ускуналар ёрдамида ўтказиладиган ва

бошқа текширувларнинг натижалари мазкур Низомнинг 13-илоvasида* келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги ҳолати тўғрисида маълумотномага ёки мазкур Низомнинг 14-илоvasида* келтирилган ҳарбий таълим муассасасига кираётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақасига киритилади.

61. Офицерлар таркибидаги шахслар касалликлар жадвалининг III-устуни бўйича, оддий аскар ва сержантлар таркибидаги шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар IV-устун бўйича, ХТМ курсантлари II-устун бўйича тиббий кўриқдан ўтказилади.

Қуrolли Кучлар авиациясининг учувчилар таркибидаги шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ХТМ курсантлари Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлар авиациясининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низом бўйича касалликлар жадвалининг тегишли устунлари бўйича тиббий кўриқдан ўтказилади.

62. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ХТМ курсантларининг (биринчи босқич курсантлари бундан мустасно) тиббий кўриқдан ўтиш натижалари ва ХТК хулосаси тиббий китобчаларига ва уч нусхада расмийлаштирилган мазкур Низомнинг 13-илоvasида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги ҳолати тўғрисида маълумотномага киритилади, улар МХТКга кўриб чиқиш ва асослаш учун юборилади. Кўриб чиқилган маълумотноманинг биринчи ва иккинчи нусхалари бирламчи тиббий кўриқдан ўтказган ХТКга юборилади, учинчи нусхаси МХТК йиғма жилдига тикилади.

63. ХТМнинг биринчи босқич курсантларини тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари ва ХТК хулосаси тиббий китобчага, мазкур Низомнинг 14-илоvasида келтирилган ҳарбий таълим муассасасига кираётган шахснинг тиббий варақасига киритилади, улар икки нусхада расмийлаштирилади ҳамда кўриб чиқиш ва асослаш учун МХТКга юборилади. Кўриб чиқилган варақанинг биринчи нусхаси бирламчи тиббий кўриқдан ўтказган ХТКга юборилади, иккинчи нусхаси МХТК йиғма жилдига тикилади.

64. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларни касалликлар жадвалининг III-, IV-устунлари бўйича А ёки В яроқлилик тоифасига мансуб деб хулоса чиқарилса, ХТК қўйидаги матндаги хулосани қабул қилади: «(юборилаётган ХТМ ва давлат номланиши кўрсатилади) ХТМда таҳсил олишга (малака оширишга) юборилишга яроқли».

Агар касалликлар, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) оқибатлари аниқланса, касалликлар жадвалининг моддалари (модданинг бандлари) мувофиқ: «В ёки С тоифалари, якка тартибда аниқланади», «С тоифаси» ёхуд «С ёки Е тоифалари, якка тартибда аниқланади» деб хулосалар қабул қилиш назарда тутилганда, ХТК қўйидаги хулосани қабул қилади: «Ўзбекистон Республикасидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) юборилишга яроқсиз».

* 13 — 14-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

65. ХТМ курсантлари касалликлар жадвалининг II-устунига мувофик, «ХТМда ўқишга киришга яроқли» деб топилса, ХТК қўйидаги хулосани қабул қилади: «(юборилаётган ХТМ ва давлат номланиши кўрсатилади) ХТМда таҳсил олишга яроқли».

ХТМ курсантлари касалликлар жадвалининг II-устунига мувофик, «ХТМга ўқишга киришга чекланган равишда яроқли» ёки «ХТМга ўқишга киришга яроқсиз» деб хулоса чиқарилса, ХТК қўйидаги хулосани қабул қилади: «Ўзбекистон Республикасидан ташқарида таҳсил олишга яроқсиз».

7-боб. Қутқарувчилик ишига қабул қилинаётган (ишлаётган) фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби

66. Қутқарувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш — бу фуқароларнинг тиббий кўрсатмалари асосида қутқарувчилик ишига яроқлилигини аниқлаш, уларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси бўлиб, қўйидагиларни қамраб олади:

тиббий кўрик ўтказиш вақтида қутқарувчилик ишига қабул қилинаётган (ишлаётган) фуқароларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланишини ўрганиш ва баҳолаш;

қутқарувчилик ишига қабул қилинаётган фуқароларнинг яроқлилик ва қутқарувчилик ишига яроқлилик тоифасини аниқлаш;

фуқароларни қутқарувчилик ишидан бўшатиш даврида саломатлик ҳолатини ўрганиш;

қутқарувчилик иши даврида саломатлигига кўра қутқарувчилик ишига яроқсиз, вақтинча яроқсиз деб топилаётган (топилган), шунингдек қутқарувчилик ишига яроқлилик тоифаси ўзгарганда, қутқарувчиларда касаллик, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат)нинг сабабий боғлиқлигини аниқлаш;

қутқарув хизматларидаги профилактика ишларини ва қутқарувчиларнинг тиббий реабилитацияси самарадорлигини баҳолаш.

67. Қутқарув хизмати ва профессионал қутқарув тузилмаларига қутқарувчи лавозимига, шунингдек қутқарувчиларни тайёрлаш таълим муассасаларида ўқишга тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида қутқарувчилик ишига яроқли деб топилган фуқаролар қабул қилинади.

Қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаларини саломатлигига кўра қутқарувчилик ишига яроқли бўлган мутахассислар билан бутлаш, қутқарувчиларни соғлигини сақлаш доирасида уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қутқарувчиларнинг касбий фаолият муддатини узайтириш, шунингдек қутқарув хизмат тиббий таъминоти сарф-харажатларини камайтириш мақсадида қутқарувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ташкил этилади ва амалга оширилади.

68. Қутқарувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ФВВ ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларини қутқарув хизматларида ёки қутқарув тузилмаларида ишлаётган ФВВ ишчи ва хизматчиларининг тиббий таъминоти юклатилган ҳарбий-тиббий муассасаларда ташкил этилган Мудофаа вазирлиги ХТК томонидан амалга оширилади.

69. Қутқарувчилик ишига қабул қилишга ва қутқарувчилик ишига яроқлилиги касалликлар жадвалининг V-устуни ва кўшимча талаблар рўйхатига мувофиқ аниқланади.

70. Қутқарувчилик ишига қабул қилинаётган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш меҳнат шартномаси (контракт) тузишдан олдин, қутқарувчи бўлиб ишлаётган шахсларни эса, тиббий кўриқлар натижаларига кўра қутқарувчилик ишига яроқлилиги тоифасининг ўзгаришига олиб келадиган касалликлар, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари мавжуд бўлганда амалга оширилади.

71. Тиббий кўриқдан ўтиш мақсадида мазкур Низомнинг 8-иловасида кўрсатилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўлланма фуқаро қутқарувчилик ишига қабул қилинаётган (қутқарувчи бўлиб ишлаётган) муассаса (ташкilot) томонидан берилади.

Йўлланмадан ташқари, қутқарув хизматлари ёки профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчилари тиббий китобчасини ва қутқарув хизмати ёки қутқарув тузилма шифокори томонидан қутқарувчининг саломатлик ҳолатидаги ўзгаришлар динамикасини, унинг яқка тартибдаги психологик хусусиятларини ифодалайдиган, у ўтказган касалликлари ва уларнинг кечиш хусусиятини ёритиб ўтадиган тиббий тавсифнома тақдим қилинади.

72. Қутқарувчиларни ўз вақтида навбатдаги ҳамда навбатдан ташқари тиббий текширув ва тиббий кўриқлардан ўтказиш учун юборишга улар ишлаётган муассаса (ташкilot) раҳбарлари жавобгардир.

73. Ҳар йили режали тиббий кўриқдан ўтказиш лозим бўлган қутқарув хизматлари ёки профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчилар таркибини МХТК билан келишган ҳолда қутқарув хизматлари ёки профессионал қутқарув тузилмаларининг бошлиқлари белгилайди.

74. Амбулатор равишда тиббий кўриқдан ўтказиш натижасида стационар равишда тиббий текширув ўтказиш лозимлиги тўғрисида ҳулоса чиқарилганда ҳамда қутқарувчиларга ХТК томонидан аввал қўйилган ташхисга ёки эксперт ҳулосасига аниқлик киритиш талаб қилинадиган соғлиги ҳолатида ўзгаришлар келиб чиққанда, қутқарув хизматлари ёки профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчилари стационар равишда тиббий текширувларга юборилади.

75. Штатдан ташқари қутқарув тузилмаларининг қутқарувчилари фавқулодда вазиятларни бартараф қилиш вақтида ортирган касаллик ёки олинган шикастланиш, (ярадорлик, жароҳат) уларни асосий мутахассислик бўйича тўлиқ ёки қисман меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган ҳолатларда стационар равишда тиббий текширувлар ўтказилади.

76. Тиббий кўриқдан ўтказишдан аввал қутқарувчиларга, қутқарувчилик ишига кираётган фуқароларга оғиз бўшлиғи санацияси, шунингдек мазкур Низомнинг 1-иловасига келтирилган мажбурий диагностик текширувлар ўтказилади. Тахлилий ва тиббий ускуналар ёрдамида ўтказиладиган текширувлар тиббий кўриқдан ўтказиш санасидан бир ойдан кўп бўлмаган муддатда ўтказилиши лозим. Тиббий кўрсатмаларга мувофиқ, ХТК раиси билан

келишилган ҳолда зарурият туғилганда, қўшимча тиббий текширувлар ўтказилади.

77. Танлов пайтида парашют билан сакрашга жалб қилинадиган қутқарувчилар, қутқарувчи-альпинистлар, мўътадил даражали гипоксияга чидамлилиқ бўйича қўшимча текширувлардан ўтказилади, кейинчалиқ ҳар беш йилда бир маротаба ёки кўрсатмалар мавжуд бўлганда ўтадилар.

Сув ости ишларига жалб қилинадиган қутқарувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ ўтказилади.

78. Шифокор-мутахассислар томонидан тиббий текширув ва тиббий кўриқдан ўтказишлар давридаги тиббий кузатув натижаларига мувофиқ эксперт хулосаси қабул қилинади. Қутқарувчилик ишига яроқлилиқ тоифасини аниқлаш масаласи билан бирга ХТК тиббий реабилитация ўтказиш лозимлиги тўғрисида хулосани қабул қилади. Ташхис қўйиш учун мураккаб бўлган соғлиқ ҳолатида ўзгаришлар аниқланиб, мавжуд бўлган касалликлар ривожланиши кузатилганда ХТК стационар равишда тиббий текширувлардан ўтказилиш лозимлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

79. Қутқарувчини стационар текширув ва даволаш якунига етганда, шунингдек тиббий текширувлар натижасида аниқланган соғлиги ҳолатидаги ўзгаришлар қуйидаги ҳолларда тиббий кўриқдан ўтказиш мажбурий ҳисобланади:

эксперт хулосаси ўзгартирилса;

қутқарувчига қўшимча ёки такрорий тиббий реабилитация ўтказиш лозимлиги аниқланса.

80. Агар ўтказилган касаллик ёки олинган шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) аввал қабул қилинган эксперт хулосасининг ўзгаришини талаб қилмаса, қутқарувчилар тиббий кўриқдан ўтказилмайди, улар стационардан чиқарилади ва аввал қабул қилинган ХТКнинг хулосасига мувофиқ ишни давом эттирадилар.

81. Стационар равишда тиббий текширув ва даволанишдан сўнг мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилиши билан қуйидаги ҳолларда тиббий кўриқдан ўтказиш амалга оширилади:

келгусида қутқарувчи сифатида ишлаш имконини бермайдиган касаллик ва жароҳатларни (ярадорлик, жароҳат) олган қутқарувчиларда;

қутқарув хизматлари ёки профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчилари қутқарувчилик ишига яроқсиз деб топилганда;

штатдан ташқари қутқарув тузилмаларининг қутқарувчилари, фавқулодда ҳолатларни бартараф этишда орттирилган касаллик ёки олинган шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асосий мутахассислиги бўйича тўлиқ ёки қисман касбий меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келганда;

қутқарувчи лавозимида ишлаган ва қутқарувчилик ишидан бўшатилиши вақтида қутқарувчилик ишига яроқлилиқ тоифасини аниқлаш мақсадида тиббий кўриқдан ўтказилган фуқароларни;

қутқарув хизматлари ёки профессионал қутқарув тузилмаларининг

қутқарувчиси сифатида ишлаган ва қутқарувчилик ишига яроқсиз деб топилган ҳамда қутқарувчилик ишига тикланаётган фуқароларни.

Қолган барча ҳолатларда, шунингдек стационарга ётишдан бош тортган, қутқарувчилар (фуқаролар) амбулатор равишда тиббий текширув ва даволанишдан сўнг тиббий кўрикдан ўтказилади.

82. Тиббий текширув натижалари ва хулосалари қутқарувчининг тиббий китобчаси (амбулатор беморнинг тиббий варақаси), касаллик тарихи, мазкур Низомнинг 19-илоvasида* келтирилган ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбурнинг) тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига киритилади. Тиббий кўрикдан ўтказишда қатнашадиган ҳар бир шифокор-мутахассис фуқаронинг соғлиқ ҳолати бўйича, шунингдек тиббий кўрсатмалар мавжудлигида, даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирлари таснифи тўғрисида ўзининг хулосасини беради. Зарурият туғилганда, ХТК хулосасида қутқарувчини тиббий реабилитациядан ўтказишга мухтожлиги ва унинг шакли тўғрисида қайднома киритилади.

83. Қутқарув хизматлари ёки профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчилари қутқарувчилик ишига яроқсиз деб топилган, ишга қайта тикланиш имкониятини аниқлаш учун қайта тиббий кўрикдан ўтказилиши учун қутқарувчилик ишига яроқсиз деб топилганларнинг эксперт хулосаси санасидан бир йил муддат ўтгандан сўнг юборилиши мумкин.

Юқори матндаги муддат ичида қайта тиббий кўрикдан ўтказиш, МХТК раисининг рухсати билан амалга оширилади.

84. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижасига кўра қутқарувчилар ишга яроқли деб топилган ҳолатларда, ХТК хулосаси қутқарувчининг тиббий китобчасига қайд этилиб, ХТК раиси томонидан имзоланади ва ҳузурида ХТК ташкил этилган ҳарбий-тиббий муассасанинг муҳри қўйилади. Зарурият туғилганда, хулосада қутқарувчи тиббий реабилитация ўтказишга мухтожлиги тўғрисида қайднома киритилади.

8-боб. Тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссияларнинг хулосаларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

85. Тиббий кўрикдан ўтаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг саломатлик ҳолати ҳамда ХТК ва тиббий комиссияларнинг хулосалари қуйидаги шаклдаги эксперт ҳужжатларга қайд этилади:

а) қақирув участкаларида қайд этилаётган, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга қақирилаётган, МИБ ҳузуридаги қақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассислик бўйича тайёрлаш марказларига юборилаётган, олий таълим муассасалари ҳузуридаги ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларига (ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курслар) танлаб олинаётган (тахсил олаётган) фуқароларга мазкур Низомнинг 10-илоvasида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 15-илоvasида* келти-

* 15, 19-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рилган шифокор хулосасига, мазкур Низомнинг 16-иловасида* келтирилган тиббий варақага, мазкур Низомнинг 17-иловасида* келтирилган саломатлик ҳолатини текшириш далолатномасига, беморнинг амбулатор тиббий варақасига тиркаладиган варақага;

б) сафарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилинаётган, сафарбарлик чақирув резервига хизматга қабул қилинган, аммо ҳарбий йиғинларни ўтамаган фуқароларга мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 15-иловасида келтирилган шифокор хулосасига, мазкур Низомнинг 16-иловасида келтирилган тиббий варақага, мазкур Низомнинг 17-иловасида келтирилган саломатлик ҳолатини текшириш далолатномасига, беморнинг амбулатор тиббий варақасига тиркаладиган варақага, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномага;

в) ҳарбий хизматчилар, ҳарбий йиғин ўтаётган фуқаролар, ҳарбий меҳнатнинг соғлик учун хавfli ва ўта оғир шароит билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (кираётган) ёки ишлаётган Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ҳарбий хизматчилари, ҳарбий хизматга мажбурлар, ишчи ва хизматчилар, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) юборилаётган (кираётган) фуқаролар, мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига, стационар шароитида тиббий кўрикдан ўтказишда касаллик тарихига, амбулатор шароитида тиббий кўрикдан ўтказишда мазкур Низомнинг 18-иловасида* келтирилган ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбурнинг) тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига, тиббий китобчага, лозим бўлганда мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномага ёки мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномага, мазкур Низомнинг 13-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги тўғрисидаги маълумотномага; ҳарбий хизматчи аёлларга мазкур Низомнинг 18-иловасида келтирилган ҳомиладорлик тўғрисида маълумотномага;

г) Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ХТМга кираётган фуқароларга, жумладан:

чақирув ёшидаги фуқароларга — мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 14-иловасида келтирилган ҳарбий-таълим муассасасига кираётган шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига, мазкур Низомнинг 17-иловасида келтирилган соғлик ҳолатини текшириш далолатномасига;

ҳарбий хизматчиларга мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 14-иловасида келтирилган ҳарбий-таълим муассасасига кираётган шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақаси ва ҳарбий хизматчининг тиббий китобчасига;

* 16 — 18-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

д) шартнома бўйича ҳарбий хизматга чақирилаётган, ҳарбий йиғинларга чақирилаётган фуқароларга, ҳарбий хизматга мажбурларга мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 19-иловасида келтирилган ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбурнинг) тиббий кўриқдан ўтказиш варақасига; лозим бўлганда мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномага ёки мазкур Низомнинг 17-иловасида келтирилган саломатлик ҳолатини текшириш далолатномасига, захирадаги (резервдаги) офицерларга мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномага;

е) Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига, лозим бўлганда мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномага, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномага, мазкур Низомнинг 13-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги тўғрисидаги маълумотномага, амбулатор беморнинг тиббий варақасига ёки тиббий китобчага.

86. Тиббий комиссияларнинг шифокор-мутахассислари тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларини мазкур Низомнинг 16-иловасида келтирилган тиббий варақага киритади, ҳарбий хизматга яроқлилигини чеклайдиган (шу жумладан, вақтинча чеклайдиган) ташхис қўйилса, шифокор-мутахассис томонидан мазкур Низомнинг 15-иловасида келтирилган шифокор хулосаси ҳам расмийлаштирилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаси (ҳарбий-тиббий муассаса) шифокор-мутахассислари томонидан чақирилувчини тиббий текширувдан ўтказгандан сўнг, мазкур Низомнинг 17-иловасида келтирилган саломатлик ҳолатини текшириш далолатномаси расмийлаштирилади, ушбу далолатнома мазкур муассаса бош шифокори (бошлиғи) ва тиббий текширувларни ўтказган шифокор-мутахассислар томонидан имзоланади ҳамда даволаш-профилактика (ҳарбий-тиббий) муассасасининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

87. Стационар шароитда даволанаётган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишда, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тарихида касаллик тўғрисидаги гувоҳномада мавжуд бўлган бандлари киритилган ХТКга тақдимнома расмийлаштирилади.

Амбулатор равишда тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларда касалликлар жадвалига мувофиқ, ҳарбий хизматга чекланган равишда яроқлилиқ ёки мутахассисликка яроқлилиқка чекланишлар (Е ва F тоифалари бундан мустасно) назарда тутилган касалликлар, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) оқибатлари аниқланганда, МХТК раисининг рухсати билан мазкур Низомнинг 19-иловасида келтирилган ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбурнинг) тиббий кўриқдан ўтказиш варақасида мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномада мавжуд бўлган бандлари киритилган ХТКга тақдимномаси расмийлаштирилади.

88. Мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китоби барча тиббий комиссиялар ва ХТКда ушбу комиссияларнинг котиблари томонидан юритилади.

Мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобида, йиғилиш ўтказилган санада комиссия йиғилишининг баённомаси комиссия раиси, йиғилишда қатнашган комиссия аъзолари (камида икки нафар) ва комиссия котиби томонидан имзоланади. ХТК хулосаси билан таништирилганлиги тўғрисида тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг имзоси касаллик тарихида ва тиббий кўрикдан ўтказиш варақасида қайд этилади. ХТК хулосаси МХТК томонидан кўриб чиқиш жараёнида бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳолатда, МХТК хулосаси тиббий кўрикдан ўтказилган шахсга ҳарбий қисм (муассаса) тиббий таъминот хизмати (кадрлар бўлинмаси) томонидан етказилади.

Мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобида тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг паспорт маълумотлари, шикоятлари, касалликнинг анамнези, объектив текширув натижалари, тўлиқ ҳолда ташхиси ва ХТК хулосаси, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда, фронтда бўлганида, ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажарганда орттирилган касалликнинг ёки олинган шикастланишнинг (ярадорлик, жароҳатнинг) сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги хулосаси ҳам қайд этилади. Кўрсатилган китобда шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олиниши ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, алоҳида эътибор билан ушбу ҳолатларни тасдиқловчи мазкур Низомнинг 20-иловасида* келтирилган шикаст (ярадорлик, жароҳат) олиш ҳолати тўғрисида маълумотномага (унинг чиқиш рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги) таянган ҳолда қайд этилади. Ушбу китобда стационар равишда тиббий кўрикдан ўтаётган шахсларда, ХТК «Шикоятлар ва касаллик анамнези» устунисида, шу жумладан тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг касаллик тарихининг тартиб рақами, бемор даволанаётган бўлинманинг рақами ёки ихтисослиги ва стационар шароитда даволанишда бўлган даври кўрсатилади.

89. Вақтинча фаолият юритувчи тиббий комиссия ва ХТК мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалар китоби фақат ХТМга киришга, ҳарбий мутахассислиги бўйича хизматга, қўшин шаклларидаги ҳарбий хизматга ва ҳ. к. яроқсиз деб топилган шахслар учун юритилади. Қолган ҳолатларда, вақтинча фаолият юритувчи тиббий комиссия ёки ХТК хулосаси тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг тиббий китобчасига, ХТМга кираётган шахсларга мазкур Низомнинг 14-иловасида келтирилган ҳарбий таълим муассасасига кираётган шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига ёзиб қўйилади, комиссиянинг раиси ва котиби томонидан имзоланиб, ҳузурда ХТК ташкил этилган ҳарбий қисмнинг (муассасанинг) гербли муҳри билан тасдиқланади. Зарурият туғилганда мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотнома расмийлаштирилади.

* 20-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вақтинча фаолият кўрсатувчи тиббий комиссиялар ва ХТК юритадиган мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китоби, шунингдек тиббий кўрикдан ўтказилган шахсларнинг рўйхати уч йил, доимий фаолият юритувчи комиссияларнинг рўйхати эса, эллик йил давомида сақланиб, ушбу муддат ўтганидан сўнг, белгиланган тартибда йўқ қилинади.

90. Тиббий комиссиялар ва ХТК томонидан ҳарбий хизматга, мутахассислиги бўйича хизматга, ХТМга киришга яроқли деб топилган ва ҳ. к., тиббий кўрикдан ўтаётган касалликлари мавжуд бўлмаган шахслар учун мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига объектив маълумотларни қайд этилган ҳолда «соғлом» деб топилганда, ҳарбий хизматни ўташга яроқлилигини чекламайдиган баъзи касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар аниқланса, уларга қисқача таъриф бериш ва ташхисни кўрсатишга рухсат этилади.

Тиббий комиссия ёки ХТК томонидан ҳулоса қабул қилишда, агар мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштириладиган бўлса, мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобида қисқа ёзувларни (тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг паспорт маълумотлари, тўлиқ ташхиси, тиббий комиссия ёки ХТК ҳулосасининг матни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда, фронтда бўлганида, ҳарбий хизматни ўташ даврида, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишда орттирилган касаллик ёки олинган шикастланишнинг (ярадорлик, жароҳатнинг) сабабий боғлиқлигини) киритишга рухсат этилади, бироқ бунда мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг яна бир нусхасини қолдириш ва уни мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига илова сифатида сақланиши лозим. Кўрсатилган китобда, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг қўшимча нусхаси ҳамда касаллик тарихида МХТК ҳулосаси чиқарилган сана ва унинг матни ёзиб қўйилади.

91. МХТК мазкур Низомнинг 10-иловасида тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китоби бевосита ушбу комиссияда фақат тиббий кўрикдан ўтаётган шахслар учун юритилади. Назорат равишда тасдиқлаш ёки ҳулосани қайта кўриб чиқиш учун МХТКга тақдим этилган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномалар, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномалар, мазкур Низомнинг 13-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги тўғрисидаги маълумотномалар кўриб чиқишда баённомалар ўрнига касаллик тўғрисидаги гувоҳнома ва маълумотномаларнинг нусхалари қолдирилиб, улардаги якуний ҳулоса матни комиссия раиси, йиғилишда қатнашган комиссия аъзолари (камида икки нафар) ҳамда комиссия котиби томонидан имзоланади. Кўрсатилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома ва маълумотномаларнинг нусхалари МХТКда 5 йил сақланиб, сўнггра ўрнатилган тартибда архивга топширилади ёки йўқ қилинади.

МХТК, шунингдек, йил мобайнида кўриб чиқилган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномалар, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномалар ва мазкур Низомнинг 13-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг ҳисоби алфавит тартибида юритилади.

Бир ойлик ҳарбий йиғинни ўтамаган, тиббий комиссиялар ёки ХТК томонидан Е ёки F яроқлилик тоифалари тайинланган сафарбарлик чақируви резерви хизматчиларининг ҳисобини МХТК олиб боради.

Рухий ва хулқ-атвор бузилишлари, хавfli ўсмалар, одам иммунитетни танқислиги вирусини чақирган касалликлар ва ҳ. к. туфайли тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларга расмийлаштирилган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномаларни, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномаларнинг барча нусхалари олд тарафининг юқори қисмига МХТК томонидан қўйидаги мазмундаги муҳр қўйилади: «нусха олиш, қўлга бериш, маълумотни ошкор этиш тақиқланади». Кўрсатилган эксперт ҳужжатларидан фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимларининг сўровномасига биноан нусхалар олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга ташхисни расмийлаштиришда Халқаро касалликлар таснифидаги касаллик рақамини (шифрини) қўллашга рухсат этилади.

92. Мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома қўйидаги ҳолатларда тузилади:

сафарбарлик чақирув резерви хизматида қабул қилинган, бироқ ойлик ҳарбий йиғинларни ўтамаган ҳамда Е ёки F яроқлилик тоифалари тайинланган фуқароларга;

Е ёки F яроқлилик тоифалари тайинланган ҳарбий хизматчиларга, мазкур шахсларга ХДҚ ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмлардаги хизматга яроқсиз деб топилган, ХТМда таҳсил олишга яроқсиз деб топилган ҳолатларда;

ҳарбий хизматчиларга, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ишчи ва хизматчиларига, улар ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароит билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга яроқсиз деб топилган ҳолатларда;

Е ёки F яроқлилик тоифалари тайинланган офицерлар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган ҳарбий хизматга мажбурларга (Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги буйруғи мавжуд бўлиб, лекин улар ҳозирча ҳарбий қисмларга жўнатилмаган бўлсалар);

Е ёки F яроқлилик тоифалари тайинланган, ўқув ёки текширув йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларга;

Е яроқлилик тоифалари тайинланган резервдаги ҳарбий хизматга мажбурларга, тиббий кўриқдан ўтказилиши уларнинг мурожаатига мувофиқ амалга оширилган ҳолатларда;

шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга, уларнинг саломатлигига кўра

оғир иқлим шароитли ҳудудларда ҳарбий хизматни ўташга тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолатларда;

шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда; аввал саломатлигига кўра ҳарбий хизматдан бўшатиш ва қайта ҳарбий хизматга қайтарилган офицер ва генераллар таркибидаги ҳарбий унвонлари бўлган ҳарбий хизматга мажбурларга, уларга нисбатдан тиббий ёки ХТК томонидан А, В, С ярқоқлик тоифалари билан ҳулосалар қабул қилинган ҳолатларда.

Мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома МХТК томонидан кўриб чиқилиши, ХТК ҳулосаси эса тасдиқлашни лозим.

93. Мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома қуйидаги тартибда тузилади:

а) беш нусхада:

оддий аскар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган ҳамда саломатлигига кўра ҳарбий хизматга нотўғри қақирилган муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳулоса тасдиқлангандан сўнг, МХТК биринчи ва иккинчи нусхаларини муддатли ҳарбий хизматчини тиббий кўриқдан ўтказишга йўллаган ҳарбий қисм командирига (муассаса бошлиғига) юбориши ёки ҳужжатни тузган ХТКга қайтариши. Учинчи ва тўртинчи нусхалари тасдиқлангандан сўнг 5 кундан кечиктирмаган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳарбий хизматчи қақирилган жойдаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги маҳаллий органига юборилади. Бешинчи нусхаси МХТКда қолади;

б) уч нусхада:

оддий аскар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларга (мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилганлар бундан мустасно) ҳулоса тасдиқлангандан сўнг, биринчи ва иккинчи нусхалари ҳужжатни тузган ХТКга қайтарилади. Учинчи нусхаси МХТКда қолади;

сафарбарлик қақирув резервига хизматга қабул қилинган, аммо ойлик ҳарбий йиғинни ўтамаган фуқароларга. Тиббий комиссия ёки ХТКнинг ҳулосаси МХТКда тасдиқлангандан сўнг, ҳужжатнинг биринчи нусхаси уни тузган тиббий комиссия ёки ХТКга юборилади. Иккинчи нусха фуқарони сафарбарлик қақирув резервидаги хизматга қабул қилган МИББга юборилади. Учинчи нусхаси МХТКда қолади;

офицерлар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларга, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ва ХТМда таҳсил олаётган курсантларга (тингловчиларга) ҳулоса тасдиқлангандан сўнг, МХТК ҳужжатнинг биринчи нусхасини ҳарбий хизматчини тиббий кўриқдан ўтказишга йўллаган ҳарбий қисм командирига (муассаса бошлиғига) юбориши ёки ҳужжатни тузган ХТКга қайтариши. Иккинчи нусха кадрлар бўлинмасига юборилади. Учинчи нусха МХТКда қолади;

офицерлар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган ҳарбий хизматга мажбурларга, шартнома бўйича ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ФВВ ишчи ва хизматчиларига ҳулоса тасдиқлангандан сўнг, ҳужжатнинг биринчи нусхаси МИББ бошлиғига ёки фуқарони тиб-

бий кўриқдан ўтишга юборган мансабдор шахсга, иккинчи нусхаси ҳарбий хизматчини тиббий кўриқдан ўтказишга йўллаган кадрлар бўлинмасига юборилади ёки уни тузган ХТКга қайтарилади. Учинчи нусхаси МХТКда қолади.

94. ХТКнинг хулосаси МХТКда кўриб чиқишда тасдиқланмаган ҳолатларда, МХТК томонидан тасдиқланмаган тиббий комиссия ёки ХТК хулосаси бўлган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг биринчи ва иккинчи нусхалари тасдиқланмаганлигининг сабаблар баёни ва тегишли кўрсатмалар билан уни тузган комиссиясига қайтарилади.

Тасдиқланмаган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг учинчи нусхаси алоҳида йиғма жилдга тикилади ва МХТКда беш йил сақланади.

Қайта тузилган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобига бошқа рақам билан қайд қилинади.

95. Оддий аскар таркибидаги ҳарбий унвони бўлган ҳамда саломатлигига кўра ҳарбий хизматдан бўшатилаётган муддатли ҳарбий хизматчиларга тузилган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ва МХТК тасдиқланган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг биринчи нусхаси ҳарбий қисм (муассаса) томонидан уларни чақирган МИБга юборилади. Ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) ҳарбий хизматчининг бўшатилишини асослаш учун касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг иккинчи нусхасини ўзида қолдиради.

Рухий ва хулқ-атвор бузилишлар, хавфли ўсмалар ва одам иммунитети танқислиги вирусини чақирган касалликлар билан хасталанган юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга МХТК томонидан тасдиқланган, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома ҳарбий қисм (муассаса) томонидан олиб борувчининг қўлига муҳрланган ҳолда берилади ёки ўрнатилган тартибда бевосита юқоридаги матндаги шахсларнинг яшаш жойидаги МИББга юборилади.

96. Мазкур Низомнинг 92-бандида қайд этилмаган ҳолатларда, ХТК хулосаси мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотнома шаклида расмийлаштирилади. Ҳарбий хизматга чақирилаётган (кираётган) ҳарбий хизматга мажбурларга, касаллик туфайли таътил берилган ҳарбий хизматчиларга, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) юборилаётган (кираётган) шахсларга нисбатан мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотнома ва мазкур Низомнинг 13-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг саломатлик ҳолати тўғрисидаги маълумотнома шаклларда расмийлаштирилган, ХТК хулосалари асосланиши, С яроқлилиқ тоифаси тайинланган ҳарбий хизматчиларга чиқарилган хулосалар эса, МХТК томонидан тасдиқланиши лозим.

ХТКда сақланаётган, ҳарбий хизмат ёки ХТМга кираётган фуқароларга, ҳарбий хизматга мажбурларга, шартнома бўйича ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига, ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавфли ва ўта оғир шарт билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (кираётган) фуқароларга, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўқишга (малака оши-

ришга) юборилаётган шахсларга расмийлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш варақалари, шунингдек МХТКда сақланаётган маълумотномалар, беш йилдан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

97. Мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномалар, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномалар, мазкур Низомнинг 13-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги тўғрисидаги маълумотномалар ҳамда МХТК томонидан тасдиқланиши (кўриб чиқилиши, назорат қилиниши) лозим бўлган тиббий комиссия ва ХТКнинг хулосалари бўлган бошқа эксперт ҳужжатлари тиббий кўриқдан ўтказилгандан кейин 5 кундан кечиктирмай касаллик тарихи, тиббий китобча ва бошқа тиббий ҳужжатлар билан бирга МХТКга юборилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган эксперт ҳужжатлари МХТК томонидан тасдиқлангандан (асослангандан) сўнг юридик кучга эга бўлади.

Ҳарбий тиббий муассаса бошлиғи (ХТК раиси, тиббий комиссия катта шифокори) тасдиқланган (асосланган) хулоса билан келган мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномаларни, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномаларни, мазкур Низомнинг 13-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахснинг соғлиги тўғрисидаги маълумотномаларни қабул қилгандан кейин, 3 кундан кечиктирмай тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахс хизмат қилаётган ҳарбий қисм командирига (муассаса бошлиғига) ёки уни тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўллаган мансабдор шахсга юборади.

Мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномалар, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномалар тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахснинг қўлига берилмайди.

98. МХТК томонидан тасдиқланиши (кўриб чиқилиши, назорат қилиниши) лозим бўлмаган ХТКнинг хулосалари мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган тиббий (ҳарбий-тиббий) комиссиянинг йиғилишлар баённомалар китобига, тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг тиббий китобчасига қайд этилади, лозим бўлса тиббий кўриқдан ўтказиш кунида мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотнома расмийлаштирилади ва ўрнатилган тартибда ҳарбий қисмга (муассасага) юборилади.

99. МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар йил мобайнидаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда мазкур Низомнинг 21-иловасига* мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўсмир ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш марказига ва МХТКга тақдим қилади.

9-боб. Яқуний қоида

100. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

* 21-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

273 «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометра-
жини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз
кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-5*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 март,
2019-13-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 март,
300-В-5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк
Бошқарувининг 2019 йил 6 мартдаги
2019-13, 300-В-5-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 10 мартдаги 2008-16, 300-В-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1788, 2008 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 112-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2010 йил 15 июндаги 2010-22, 18/13-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1788-1, 2010 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 28-29-сон, 250-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2013 йил 2 мартдаги 2013-9, 5/3-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1788-2, 2013 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 11-сон, 149-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 7 майдаги 2015-15, 300-1-3-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1788-3, 2015 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 21-сон, 283-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2017 йил 11 сентябрдаги 2017-49, 23/10-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1788-4, 2017 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 39-сон, 1049-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

274 Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3148*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 март,
2019-14-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил
6 мартдаги 2019-14-сон қарорига
ИЛОВА

**Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришдан ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ–3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришдан ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

хронометраж кўздан кечириш — хронометраж ўтказиладиган даврда тушумларнинг ҳақиқий ҳажмларини, пул тушуми суммаларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган, товарларни (ишларни, хизматларни) ҳақиқий реализация ҳажмларини аниқлашга доир солиқ назоратининг шакли;

хронометраж кўздан кечириш иштирокчилари — давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари, солиқ тўловчи ва унинг вакиллари.

2. Хронометраж кўздан кечириш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

3. Хронометраж кўздан кечириш ўтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан экспертларни жалб этишга йўл қўйилмайди.

4. Пул тушумини, ишлаб чиқариш ҳажмларини ва товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини хронометраж кўздан кечириш товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилувчи солиқ тўловчиларда, бевосита товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойида, махсулот ишлаб чиқариш цехларида, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойларида ҳамда солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ бошқа жойларда давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари томонидан кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади.

5. Реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг)

ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечиришни амалга ошириш жараёнида солиқ тўловчидан ҳисобга олиш ҳужжатларини талаб қилишга, солиқ тўловчига нисбатан талаблар қўйишга ёки солиқ тўловчининг фаолиятига бошқача тарзда аралаштиришга йўл қўйилмайди, бундан солиқ тўловчидан ҳамда раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахслардан, солиқ тўловчининг бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олиш, шунингдек назорат-касса машиналарида ва тўлов терминалларида сақланаётган хронометражни ўтказиш даврига доир маълумотларни олиш мустасно.

6. Хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш муддати кетма-кетликда етти календарь кундан ортиқ бўлмаган ҳолда, солиқ тўловчининг белгиланган иш режими ва фаолият туридан келиб чиқиб ўтказилади. Хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш муддати дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда, дам олиш кунлари ҳисобига ўтказиб юборилган муддат кейинги иш кунидан бошлаб ҳисобланади.

7. Хронометраж кўздан кечириш солиқ текшируви ҳисобланмайди.

2-боб. Хронометраж кўздан кечиришни тайинлаш тартиби

8. Хронометраж кўздан кечиришни тайинлашга тушумларнинг ҳақиқий ҳажмларини, пул тушуми суммаларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини аниқлаш зарурияти асос бўлади.

9. Хронометраж кўздан кечириш ўтказиладиган солиқ тўловчилар рўйхати қўйидаги мезонлар асосида шакллантирилади:

солиқ тўловчиларнинг солиқ объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлари тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш мақсадида кўздан кечириш ва сўров ўтказиш жараёнида тузилган маълумотномалардаги товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушган тушумларни ҳамда ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ҳажмларининг камайтириб кўрсатилишига оид шубҳали маълумотлар;

вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган (ташқи манба) маълумотлар таҳлилига кўра, солиқ тўловчининг солиқ органларига тақдим этган солиқ ва молиявий ҳисоботлари, шунингдек бошқа маълумотларида товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушган тушумлар ҳамда ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ҳажмларининг камайтириб кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

бир ҳудудда (кўчада, бозор ва савдо комплексларида, маҳаллада ёнма-ён) жойлашган, фаолият тури, реализация ҳажми бир-бирига ўхшаш бўлган бир нечта субъектларнинг кунлик ўртача тушумларига нисбатан кескин фарқ қиладиган тафовутли маълумотлар;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси бўйича нақд пул ва тўлов терминали орқали тушган кунлик тушумлар ўртасида мавжуд юқори тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушган тушумлари ўтган даврларга нисбатан кескин камайиб кетганлиги ва савдо тушумларини тўлиқ банк кассаларига топширмаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўловчи фаолиятининг хусусиятлари, иш режими ва мавсумий омилларни ҳисобга олган ҳолда иш куни давомида онлайн назорат касса машиналаридан камида икки-уч соат оралиғида чек урилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

хронометраж кўздан кечириш ўтказилгандан кейинги даврларда товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушган тушумларнинг хронометраж кўздан кечириш давомида аниқланган тушумларга нисбатан 50 фоиздан юқори камайиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

электрон ҳисобварақ-фактуралари орқали кирим қилинган товарлар ҳажмига нисбатан ўртача ойлик тушумларининг фарқ қилиши тўғрисидаги маълумотлар.

10. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ушбу низомнинг 9-бандида келтирилган мезонлар бўйича солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳамда солиқ солиш объектларининг ҳақиқий ҳажмлари камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Давлат солиқ хизмати органининг реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисидаги буйруғида хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчи, унинг идентификация рақами, хронометражни ўтказиш жойи ва муддати, давлат солиқ хизмати органининг хронометражни ўтказадиган мансабдор шахслари мажбурий тартибда кўрсатилади.

3-боб. Хронометраж кўздан кечириш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Хронометраж кўздан кечириш иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) солиқ тўловчи ва вакилининг ҳуқуқлари:

хронометраж кўздан кечириш ўтказишни амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларидан кўздан кечириш масалалари юзасидан тушунтиришлар талаб қилиш;

хронометраж кўздан кечириш материаллари билан танишиш ва натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотномадан нусха олиш;

хронометраж кўздан кечиришни амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний талабларини бажармаслик ҳамда хронометраж кўздан кечиришга алоқаси бўлмаган ҳужжатларни тақдим этмаслик;

хронометраж кўздан кечиришни амалга ошираётган солиқ органи мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

хронометраж кўздан кечириш жараёнида қатнашиш учун ўз вакилини таклиф қилиш;

хронометраж кўздан кечириш натижаларидан норози бўлган тақдирда ёки келгусида унинг фаолиятида тушумлар бўйича кескин ўзгаришлар кузатилганда (тушумларнинг камайиши ёки кўпайиши) қайта хронометраж кўздан кечириш ўтказиш юзасидан давлат солиқ хизмати органларига мурожаат қилиш;

солиқ тўловчи қонун ҳужжатларда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин;

б) давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари: хронометраж кўздан кечириш ўтказиш жараёнида солиқ тўловчининг назорат-касса машинаси ва тўлов терминали хотирасида мавжуд маълумотларни олиш;

солиқ тўловчи ёки унинг вакилининг ёрдами билан савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган тушум билан боғлиқ бўлган дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларидан фойдаланиш;

солиқ тўловчиларда, бевосита товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойида, маҳсулот ишлаб чиқариш цехларида, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойларида ҳамда солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ бошқа жойларда хронометраж кўздан кечириш ўтказиш;

хронометраж кўздан кечириш ўтказиш жараёнида ҳар бир харидор (мижоз)га қилган харидлари бўйича назорат-касса машинаси харид чеки берилишини назорат қилиш;

солиқ тўловчи томонидан хронометраж кўздан кечириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан танишишдан бўйин товланганда ёки кўздан кечириш ўтказишга тўсқинлик қилинганда, шунингдек хронометраж кўздан кечириш ўтказиш жараёнида назорат-касса машинасининг яроқсизлиги ёки бошқа субъектга тегишли назорат-касса машинаси ва тўлов терминалидан фойдаланилаётганлиги аниқланган тақдирда аниқланган ҳолат бўйича маълумотнома расмийлаштириш ҳамда тегишли давлат солиқ хизмати органининг раҳбарига ахборот бериш;

хронометраж кўздан кечириш ўтказилаётган солиқ тўловчидан ойлик иш кунлари сони тўғрисидаги маълумотларни талаб қилиш.

12. Хронометраж кўздан кечириш иштирокчиларининг мажбуриятлари:

а) солиқ тўловчи ва вакилининг мажбуриятлари:

хронометраж кўздан кечиришни амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларига назорат-касса машиналарида ва тўлов терминалларида сақланаётган хронометраж ўтказиш даврига доир маълумотларни тақдим этиш;

хронометраж кўздан кечиришни амалга ошираётган солиқ органлари

мансабдор шахсларини бевосита товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойида, маҳсулот ишлаб чиқариш цехларида, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойларида ҳамда солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ бошқа жойларга киритиш;

солиқ органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш ва хронометраж кўздан кечиришни ўтказишга тўсқинлик қилмаслик;

хронометраж кўздан кечириш ўтказиш жараёнида ҳар бир харидор (мижоз)га қилган харидлари бўйича назорат-касса машинаси ва тўлов терминининг харид чекини бериш;

б) давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг мажбуриятлари:

хронометраж кўздан кечириш бошладан олдин солиқ тўловчига ўзининг хизмат гувоҳномаси орқали таништириш ва ташриф мақсадини тушунтириш;

солиқ тўловчини давлат солиқ хизмати органининг хронометраж кўздан кечириш тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ билан таништириш ва нусхасини тақдим этиш;

хронометраж кўздан кечириш натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотномадан солиқ тўловчига ёки унинг вакилига нусха тақдим этиш ҳамда аниқланган ҳолатлар бўйича қонунда белгиланган тартиблар тўғрисида тушунтиришлар бериш;

солиқ тўловчи ва унинг фаолиятига алоқадор бўлган ахборотларни бошқа шахсларга ошкор этмаслик;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

4-боб. Хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш тартиби

13. Солиқ тўловчи ёки унинг вакили давлат солиқ хизмати органининг хронометраж кўздан кечириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи билан таништирилган вақтдан хронометраж кўздан кечириш бошланган ҳисобланади.

14. Хронометраж кўздан кечириш солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатмасдан кунлик иш режимини тўлиқ қамраб олган ҳолда, жойлашган жойидан қатъи назар, барча объектларида бир вақтнинг ўзида ўтказилади.

15. Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг бошқа ҳудудлардаги объектларида хронометраж кўздан кечириш ўтказиш юзасидан объект жойлашган ҳудудий давлат солиқ хизмати органига режалаштирилган хронометраж кўздан кечиришнинг аниқ санасини кўрсатган ҳолда хронометраж кўздан кечириш бошланишидан уч кун олдин ёзма хабарнома юборади.

Бунда, солиқ тўловчининг бошқа ҳудудлардаги объектларида ўтказилган хронометраж кўздан кечириш натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотлар кўздан кечириш якунлангандан кейин солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органига уч иш куни ичида юборилиши шарт.

16. Хронометраж кўздан кечириш солиқ тўловчи ва унинг ходимларига ҳалакит бермаган ҳолда қуйидаги жойларда ўтказилади:

чакана ва улгуржи савдо соҳасида бевосита товарлар реализацияси учун мўлжалланган ҳамда мижоз билан ҳисоб-китоб қилиш жойларида (касса ёнида);

умумий овқатланиш соҳасида бевосита таом тайёрланадиган, мижозларга таом тарқатиладиган ва мижоз билан ҳисоб-китоб қилинадиган жойларида;

хизмат кўрсатиш соҳасида бевосита хизматлар кўрсатиш ва мижоз билан ҳисоб-китоб қилиш жойларида;

ишлаб чиқариш соҳасида бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш цехларида ва маҳсулотларни тарқатиш омборхоналарида ҳамда мижоз билан ҳисоб-китоб қилиш жойларида;

бошқа соҳаларда солиқ тўловчининг даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларда ўтказилади.

17. Хронометраж кўздан кечириш қўйидаги тартибда ўтказилади:

а) чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида:

солиқ тўловчининг кассасидаги мавжуд нақд пул қолдиғини назорат-касса машинасининг «Х» ҳисоботи билан солиштириш ва ижобий фарқ суммасини назорат-касса машинасининг хотирасига киритилишини таъминлаш; реализация қилинган товарлар ва хизматларнинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш ҳамда кунлик пул маблағлари тушумини кузатиш ва қайд этиш;

хронометраж кўздан кечириш якунида назорат-касса машинасидан «Z» ҳисобот чиқариш ва маълумотномага илова қилиш;

хронометраж кўздан кечириш якунида кассадаги мавжуд кунлик пул тушуми билан қайд этиш варақасидаги тушумлар миқдори ўртасидаги ижобий фарқ суммасини назорат-касса машинасининг хотирасига киритиш;

б) ишлаб чиқариш соҳасида:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи ва сотиш нархига, ҳажмига, омборхоналаридаги тайёр маҳсулотлар миқдорига аниқлик киритиш;

ишлаб чиқариш қувватлари учун сарфланаётган табиий ресурсларини (газ, электр энергияси, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари) ҳажмини ўлчов асбоблари орқали қайд этиш;

ишлаб чиқариш учун сарфланаётган товар хом-ашёлар ҳажмини қайд этиш;

ишлаб чиқариш ускуналарининг сонини ва уларнинг қувватларини аниқлаш;

ишчилар сонига аниқлик киритиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва миқдорини аниқлаш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш усулларини аниқлаш ва жараёнини қайд этиш.

18. Хронометраж кўздан кечириш ўтказиш маълум сабабларга кўра солиқ тўловчида иш вақти тугамасдан тўхтатилса, хронометраж кўздан кечириш якунига етказилмаган ҳисобланади ва хронометраж кўздан кечириш ўтказиш муддати доирасида бошқа кунга кўчирилади.

5-боб. Хронометраж кўздан кечириш натижаларини расмийлаштириш тартиби

19. Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечириш натижалари бўйича икки нусхада маълумотнома тузади. Маълумотноманинг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади.

Агар, солиқ тўловчи маълумотномани олишдан бўйин товлаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда маълумотномага тегишли ёзувни киритади ва маълумотноманинг бир нусхаси почта орқали буюртма хат билан солиқ тўловчига жўнатилади ҳамда у жўнатилгандан кейин уч кун ўтгач топширилган ҳисобланади ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон тарзда жўнатилади.

20. Хронометраж кўздан кечириш натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотномага кўздан кечириш жараёни билан боғлиқ ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

21. Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари хронометраж кўздан кечириш натижасига кўра тузилган маълумотнома бўйича хронометраж кўздан кечириш якунлангандан кейин бир иш куни ичида давлат солиқ хизмати органи раҳбарига билдиришнома киритади.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўтказилган хронометраж кўздан кечириш натижалари бўйича расмийлаштирилган маълумотномаларнинг электрон ҳисобини юритади.

6-боб. Хронометраж кўздан кечириш натижалари бўйича солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби

23. Хронометраж кўздан кечириш натижаларидан солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан электрон шаклда шакллантириш ва юритиш, шунингдек тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ва ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг суммалари ишончлилигини солиштириб кўриш учун фойдаланилади.

24. Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчи фаолиятининг хусусиятлари ва мавсумий омилларни ҳисобга олган ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган хронометраж кўздан кечириш ўтказилган даврга оид солиқ ҳисоботида акс этирилган, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум тўғрисидаги маълумотларни товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан хронометраж жараёнида олинган тушум тўғрисидаги маълумотлар билан солиштиришни амалга оширади.

25. Хронометраж кўздан кечириш якуни бўйича расмийлаштирилган маълумотномалар асосида солиқ тўловчи томонидан хронометраж кўздан кечириш даври учун солиқ ҳисоботи тақдим этилгандан сўнг Солиқ кодексининг 70-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда камерал назорат ўтказилади.

26. Хронометраж кўздан кечириш ўтказилган даврга оид тақдим этилган солиқ ҳисоботларида аниқланган тафовутлар бўйича қуйидаги тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоблаб чиқилади:

YST = (XNT x IK) x SS — ягона солиқ тўлови;

QQS = (XNT x IK) – HT x SS — қўшилган қиймат солиғи;

FS = ((XNT x IK) x RD) – HT x SS — юридик шахсларнинг фойда солиғи;

AS = (XNT x IK) – HT x SS — акциз солиғи;

NS = (XNT x IK) – HT x SS — ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Бунда:

XNT — хронометраж кўздан кечириш якуни билан аниқланган ўртача кунлик тушум;

IK — хронометраж кўздан кечириш даврида аниқланган ҳисобот даври учун иш кунлари сони;

HT — солиқ тўловчи ҳисоботида акс эттирилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг реализацияси;

SS — солиқ ставкаси;

RD — рентабеллик даражаси (олдинги ҳисобот даврида).

27. Хронометраж кўздан кечириш ўтказилган даврга оид тақдим этилган солиқ ҳисоботида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг камайтирилганлиги аломатлари аниқланса, давлат солиқ хизмати органлари Солиқ кодексининг 70-моддасида кўрсатилган тартибда солиқ тўловчига талабнома юборади.

28. Солиқ тўловчида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг камайтирилганлиги такроран аниқланган тақдирда, бу ҳаракатлар солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик сифатида таснифланади ва қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

29. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

30. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2019 йил 6 март

Савдо-саноат палатаси раиси

А. ИКРАМОВ

2019 йил 6 март

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Таҳликали-таҳлил ва камерал назорат бўлими	Тушумларнинг ҳақиқий ҳажмларини, пул тушуми суммаларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини аниқлаш заруриятидан келиб чиқиб хронометраж кўздан кечириш тайинланадиган солиқ тўловчиларнинг рўйхати шакллантирилади.	Доимий
2-босқич	Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими	Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.	Хронометраж кўздан кечириш ўтказишдан 1 кун олдин
3-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг бошқа ҳудудлардаги объектларида хронометраж кўздан кечириш ўтказиш юзасидан объект жойлашган ҳудудий давлат солиқ хизмати органига режалаштирилган хронометраж кўздан кечиришнинг аниқ санасини кўрсатган ҳолда хронометраж кўздан кечириш бошланишидан 3 кун олдин ёзма хабарнома юборади.	Хронометраж кўздан кечириш ўтказишдан 3 кун олдин
4-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари хронометраж кўздан кечириш ўтказиш учун биринчи навбатда солиқ тўловчига ёки унинг вакилига хизмат гувоҳномаси асосида ўзини таништириб, солиқ тўловчини давлат солиқ хизмати органининг хронометраж кўздан кечириш тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ билан таништиради ва нусхасини тақдим этади.	Хронометраж кўздан кечириш бошлашдан олдин

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
5-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Солиқ тўловчи томонидан хронометраж кўздан кечириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан танишишдан бўйин товланганда ёки кўздан кечириш ўтказишга тўсқинлик қилинганда, шунингдек хронометраж кўздан кечириш ўтказиш жараёнида назорат-касса машинасининг яроқсизлиги ёки бошқа субъектга тегишли назорат-касса машинаси ва тўлов терминалидан фойдаланилаётганлиги аниқланган тақдирда аниқланган ҳолат бўйича маълумотнома расмийлаштириб ваколатли органи хабардор қилиш тартибида текширув ташкил этиш учун давлат солиқ хизмати органининг раҳбарига таклиф киритади.	Хронометраж кўздан кечириш ўтказишни бошлашдан олдин ёки жараёнида
6-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш муддати етти календарь кундан ортиқ бўлмаган ҳолда, солиқ тўловчининг белгиланган иш режими ва фаолият туридан келиб чиқиб ўтказилади. Хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш муддати дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда, дам олиш кунлари ҳисобига ўтказиб юборилган муддат кейинги иш кунидан бошлаб ҳисобланади. Бунда, хронометраж кўздан кечириш солиқ тўловчининг кунлик иш вақтини тўлиқ қамраб олган ҳолда, жойлашган жойидан қатъи назар, барча объектларида бир вақтнинг ўзида ўтказилади.	1 кундан 7 календарь кунигача бўлган муддатда
7-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Хронометраж кўздан кечириш якунида кассадаги мавжуд кунлик нақд пул тушуми билан, назорат касса машинасининг «Z» ҳисоботи маълумоти ва қайд этиш варақасидаги тушумлар миқдорини солиштириб чиқади ҳамда ижобий фарқ суммасининг назорат-касса машинаси хотирасига киритилишини кузатиб боради.	Аниқланган вақтнинг ўзида
8-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Хронометраж кўздан кечириш якуни билан давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечириш натижалари бўйича икки нусхада маълумотнома тузади. Маълумотноманинг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади.	Хронометраж кўздан кечириш якунида
9-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Солиқ тўловчининг бошқа ҳудудлардаги объектларида ўтказилган хронометраж кўздан кечириш натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотлар кўздан кечириш якунлангандан кейин солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органига 3 (уч) иш куни ичида юборилади.	3 кун муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
10-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари хронометраж кўздан кечириш натижасига кўра тузилган маълумотнома бўйича хронометраж кўздан кечириш якунлангандан кейин 1 (бир) иш куни ичида раҳбариятга билдириш-нома киритади.	Хронометраж кўздан кечириш якуни билан 1 кун
11-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Хронометраж кўздан кечириш якуни бўйича расмийлаштирилган маълумот-номалар асосида солиқ тўловчи томонидан хронометраж кўздан кечириш даври учун солиқ ҳисоботи тақдим этилгандан сўнг аниқланган тафовут юзасидан Солиқ кодексининг 70-моддасига мувофиқ талабнома юборади.	Ҳисобот тақдим қилингандан кейин
12-босқич	Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахслари	Солиқ тўловчида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг камайтирилганлиги такроран аниқланган тақдирда, бу ҳаракатлар солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик сифатида таснифланади ва қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.	Тушумнинг камайтирилганлиги такроран аниқланган тақдирда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

275 Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида *

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 320-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1997 йил 31 мартда (рўйхат рақами 320, 1997 йил 2 апрель) тасдиқланган Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартибига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 март,
2019-21-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 15 мартдаги
2019-21-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш ва муомалада
бўлиши тартибига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1.2-банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Агентлик — Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги.».
2. 2.9-банднинг тўққизинчи хатбошисидан, 2.13-банднинг ўнинчи хатбошисидан, 2.16-банднинг ўнинчи хатбошисидан «ва муҳрини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 3.1 ва 3.2-бандлардаги «Марказнинг» деган сўз «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.
4. 3.7-банди олтинчи хатбошисидаги рус тилидаги матнида «Центра» деган сўз «регистрирующего органа» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
5. 4.5-банддан «ва муҳр билан тасдиқланади (юридик шахслар учун)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
6. 5.2-банддаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.
7. 5.4-банддаги «Марказга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**276 «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515-3

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 9 сентябрдаги 83-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2515, 2013 йил 9 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 553-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Ташкент ш.,
2019 йил 4 март,
30-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги
30-сон буйруғига
ИЛОВА

«Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-иловада:

а) «Лицензия тури, рақами ва берилган санаси» сатридан «тури,» деган сўз чиқариб ташлансин;

«Телефон/факс, e-mail» сатридаги «/факс, e-mail» деган сўзлар «, электрон манзил, веб-сайт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) I бобдан 03, 04 ва 07-сатрлар чиқариб ташлансин;

в) IV боб қуйидаги мазмундаги 27¹-сатр билан тўлдирилсин:

« бошқа тижорат ташкилотлари	27 ¹		
------------------------------	-----------------	--	--

»;

г) VI боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот йилида				
		сон, жами	шундан аудиторлик хулосалар			
			ижобий фикр билдирилган	салбий фикр билдирилган	изоҳлар билан фикр билдирилган	фикр билдириш рад этилган
1	2	3	4	5	6	7
Берилган аудиторлик хулосаларининг сони — жами шу жумладан:	38					
мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича	39	X	X	X	X	X
ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича	40					

»;

д) «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Қоидаларда:

а) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Аудиторлик ташкилотлари томонидан Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотни (бундан буён Маълумот деб юритилади) тақдим этиш аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

2. Маълумот 31 декабрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бевосита, уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта ёки электрон алоқаси воситаси орқали ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январигача тақдим этилади. III — VI бобларнинг кўрсаткичлари

31 декабрь ҳолатига йил бошидан бошлаб ортиб борувчи якун билан тўлдирилади.»;

б) 4-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия рақами ва берилган санаси» сатрида олинган лицензиянинг санаси ва рақами кўрсатилади.»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Телефон, электрон манзил, веб-сайт» сатрида аудиторлик ташкилотининг алоқа телефони рақами, электрон почта манзили ва веб-сайти (мавжуд бўлса) кўрсатилади.»;

в) 6-банддан «ва аудиторлик ташкилотининг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 10-бандда:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

д) 13-банднинг биринчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. «Ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига аудиторлар тўғрисида маълумот (штатдаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинганлар)» жадвалида аудиторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (1-устун), унинг ишга қабул қилинганлиги, аудитор лавозимига ўтказилганлиги ҳақидаги буйруқнинг рақами ва санаси (2-устун), аудитор малака сертификатининг рақами ва берилган санаси (3-устун), малака ошириш курсини тамомлаганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами ва санаси (4-устун), мавжуд бўлганда халқаро бухгалтер сертификати бўйича маълумотлар (номи, рақами ва санаси) (5-устун) кўрсатилади.»;

е) 24-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«27¹-сатрнинг (20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27 сатрлардан ташқари) 3 ва 4-устунларида мос равишда ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади:

активларнинг баланс қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушум энг кам иш ҳақининг 200 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

277 Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3450-сон «Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 90-сон буйруғи (рўйхат рақами 2905, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 756-модда) билан тасдиқланган Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
71-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил
7 мартдаги 71-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш
учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва
бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага
энг кам талабларга киритилаётган қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 30²-боб билан тўлдирилсин:

**«30²-боб. Психиатрия ихтисослик тури бўйича
(ижтимоий хавфли саналган касалликлардан ташқари)**

54³. Маслаҳат, диагностика, консерватив даволашдан иборат бўлган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;

врач учун иш столи;

стуллар;

кушетка;

муолажа ўтказиладиган хоналарда стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

тонометр ва фонендоскоп;

неврология болғачаси;

тиббиёт термометри.

54⁴. Маслаҳат, диагностика, консерватив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (камида 2 дона);

врач учун иш столи;

хамширалар пости учун стол;

стуллар;

кушетка;

каравотлар;

муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

палаталар учун кўчма бактериоцид лампа;

штатив (суюқликларни томчилатиб қуйишга мўлжалланган) (камида 2 дона);

тонометр ва фонендоскоп;

неврология болғачаси;

тиббиёт термометри.»

2. Қуйидаги мазмундаги 30³-боб билан тўлдирилсин:

**«30³-боб. Тиббий буюмлар ва ускуналар стерилизацияси
ихтисослик тури бўйича**

54⁵. Стерилизация ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:
бикслар (контейнерлар);
контейнерлар учун шкаф;
контейнерларни ажратиш учун стеллажлар;
стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;
стерилизация ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуна-
лари (автоклав, қуритиш шкафи, дистиллятор ва бошқалар);
контейнерларни қабул қилганда ташиш учун аравачалар;
контейнерларни ташиш учун кичик аравачалар (3 та ишчи зона учун
алоҳида);
тиббий буюм ва ускуналарни ультратовуш орқали ювиш мосламаси, ҳаво
пуркагичлар, ивитиш, ювиш ва чайиш ванналари, аравалар ва контейнер-
ларни ювиш ва чайиш машинаси ёки майдончаси;
стерилизация ходими учун кийимлар жамламаси, индивидуал ҳимоя воси-
талари (қўлқоплар, кўз ойнаклар, қалпоқ, бахилла ва махсус оёқ кийим —
ҳар бир зона учун алоҳида рангларда);
стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган кимёвий воситалар;
индикаторлар, тестлар, крафт пакетлар, крепланган қоғозлар, пломба ва
стикерлар;
ювиниш ва ҳожатхона учун совун, асептика ва қуритиш воситалари;
контейнерларни қабул қилиш, бериш, стериллаш ва қадоқлашни қайд
этиш журнали.».

3. Мазкур қўшимчалар Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2019 йил 6 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

278 Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимча кири-тиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2908-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3450-сон «Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бую-раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 25 июлдаги 97-сон буйруғи (рўйхат рақами 2908, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 765-модда) билан тасдиқланган Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасининг Тор ихтисосликлар турлари бўлими Тиббий-профилактика иши йўналиши боби қўйидаги мазмундаги позиция билан тўлдирилсин:

« 108¹. Тиббий буюмлар стерелизацияси ».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 март,
72-сон

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

2019 йил 13 март

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 апрелда эълон қилинган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 30 мартдан 5 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/50-сон «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (1-сон РХМС) «Риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»га ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2244-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/19-сон «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9¹-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-9.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 25-сон «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70-сон АФМС) «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2844-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 14 мартдаги 01/10-10/53, 12-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-3.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 2 апрелдаги 146-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 5-мх, 73-сон «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга мухтож болаларнинг уйда яққа тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2691-1.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 19 мартдаги 01/10-10/55-сон «Давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1394-9.

8. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 25 мартдаги 2019-25, 290-В-4-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-4.

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 18 мартдаги 39-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-3.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 11, 8, 5, 6, 23ққ, 37-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3147.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 6 мартдаги 2019-13, 300-В-5-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги ни-

зомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-5.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 6 мартдаги 2019-14-сон «Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3148.

13. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-21-сон «Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 320-5.

14. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 30-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515-3.

15. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 71-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-3.

16. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 15 мартдаги 72-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2908-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг «Нақд пул тушуми келиб тушинининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1788, 2008 йил 9 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат

рақами 1788-1, 2010 йил 21 июль), (рўйхат рақами 1788-2, 2013 йил 15 март), (рўйхат рақами 1788-3, 2015 йил 27 май), (рўйхат рақами 1788-4, 2017 йил 27 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 3 апрелдаги 152-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

